Jonajon O‘zbekistonim, mangu bo‘l omon!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 17-OKTYABR, PAYSHANBA, 41 (831)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожида ушбу тармоқларнинг муҳим эканлиги инобатга олиниб, кейинги икки йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекчорванасл”, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил этилди.

Йиғилишда чорвачилик тармоғида бажарилган ишлар ва келгусидаги режалар муҳокама этилди. 2019 йилда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида чорвачиликни ривожлантириш учун 1 триллион 603 миллиард сўм, паррандачиликка 332 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада майда шохли чорва сони 550 минг бошга, парранда сони 6 миллион 130 мингтага кўпайди.

Йиғилишда аҳолини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинган ишлар етарли эмас, деб баҳоланди. Чорвачилик тармоғининг долзарб муаммоси ҳисобланган узлуксиз озуқа-ем таъминотини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди. Бугунги кунда чорвачиликда озуқага бўлган эҳтиёж фақатгина 30-35 фоизга қондирилади. Хусусан, паррандачиликда озуқанинг 85 фоизи импорт ҳисобига таъминланади.

Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Қўнғирот, Кегейли ва Мўйноқ туманларида 1 миллион гектар пичанзор ва яйлов ерларида 182 минг бош чорва моллари боқишга мўлжалланган 486 лойиҳа ишлаб чиқилди.

Мутасаддиларга 2019 – 2021 йилларда 300-500 бош чорва боқишга мўлжалланган 270 бўрдоқичилик комплекси ва 260 сутчилик корхонасини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш топширилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига хорижий тажриба асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нархини пасайтириш учун харажатнинг бир қисмини субсидиялаш механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Боғдорчилик соҳасига доир масалалар ҳам кун тартибига қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойида мева-сабзавот экспорти қарийб 1 миллиард АҚШ долларига етди. Бўш ерлардан унумли фойдаланиш, талаб юқори бўлган экин навларини етиштириш натижасида келгусида ушбу кўрсаткични янада ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманларида мавжуд боғларнинг 912 гектари ёки 20 фоизи, токзорларнинг 164 гектари ёки 13 фоизи эски ва самарасизлиги аниқланган. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган 1400 гектар лалми, шунингдек, ғалла экилаётган 4040 гектар ерлар мавжуд. Ушбу туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 19 корхона 50 фоиз қувватда ишламоқда.

Шу боис, мева-сабзавотга ихтисослашган барча 55 туманда боғдорчилик соҳасида мутлақо янги тизим жорий қилинади. Унга кўра, хориж бозорларида ўз товар белгисига эга бўлган экспортчилар ҳамда қайта ишлаш корхоналари иштирокида ушбу туманларда кооперациялар ташкил этилади. Ҳар бир туманда экинларни жойлаштириш кооперациялар таклифи бўйича амалга оширилади, улар боғ ва токзорларга кўчатларни етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан кўмаклашади. Шунингдек, боғдорчиликка ихтисослашган ҳар бир туманда агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш учун ўқув марказларини очиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига янги тизимни жорий этиш, кооперацияларни молиявий таъминлаш юзасидан аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг пировард мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини йилига 5 миллиард долларга етказишдан иборат.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎзА

Муносабат

Туркий кенгашга аъзолик

халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради

“Византия славян давлатлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тақдирида худди шундай роль ўйнаган”, дея таъкидлаган эди Чингиз Айтматов. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилиши йирик тарихий воқеа сифатида қабул қилиниши атоқли адибнинг эътирофи нақадар ҳақлигини яна бир бор исботлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашнинг еттинчи саммитида сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади.

– Туркий кенгашга аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Охирги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробар ошди, мингдан ортиқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт қатновлари кенгаймоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпаймоқда, халқларимизнинг қардошлик ришталари мустаҳкамланмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Туркий давлатлар ҳамкорлиги кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимининг имзоланиши тарихи, тили, маданияти ва маънавий қадриятлари муштарак қардош мамлакатларнинг самарали ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берди. Ўтган ўн йиллик давр мобайнида Туркий кенгаш аъзо давлатлар ўртасида мулоқот ва кооперацияни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун нуфузли халқаро платформага айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда фахрий меҳмон сифатида қатнашиб, халқларимизни азалдан ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро манфаатли шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлаган, бу борадаги асосий йўналишларга тўхталиб, бир қанча муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Шундай амалий ташаббуслардан бири – Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши бизнес форуми шу йил 5 октябрда пойтахтимизда ўтказилди.

Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар билан фаол алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида республикамизда шу йил 14 сентябрда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими ратификация қилинди. Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилиши натижасида Туркий кенгаш нуфуси, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатидан Евроосиё марказидаги йирик тузилмага айланди. Бугунги кунда қардош яшаётган халқларнинг умумий сони 150 миллиондан ошади. Ушбу кенгашга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Туркий кенгаш давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва Марказий Осиё, Кавказ, Ўрта Шарқ ва Европада тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни илгари суриш воситаси сифатида улкан имкониятларга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев саммитда нутқ сўзлар экан, ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ва йўналишлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, транспорт ва транзит соҳаларидаги яқин кооперацияни кучайтириш, инновацион ривожланишни жадаллаштириш, зиёрат туризмини фаоллаштириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш барча қардош халқларнинг манфаатига бирдек хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатларимиз етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш ҳаётий заруратга айланган. Туркий кенгашнинг еттинчи саммити доирасида Бокуда ташкил этилган бизнес форумда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ва тадбиркорлик субъектларидан 120 нафар вакил иштирок этди. Бизнес форум якунига кўра Озарбойжонга автомобиллар, маиший техника жиҳозлари ва бошқа товарлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 430 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 75 та шартнома имзоланди.

Саммитда таъкидланганидек, интеграциялашган транспорт алоқаси тармоғини ташкил қилиш дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Бу ерда сўз, аввало, Шимол – Жануб ва Шарқ – Ғарб халқаро транспорт йўналлари, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғловчи автомобиль, темирйўл ва ҳаво йўллари ҳақида бормоқда. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш Марказий Осиё – Туркия транспорт йўлаги орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун салмоқли имкониятлар яратишини, “Боку – Тбилиси – Карс” янги темирйўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Туркий кенгаш мамлакатларининг инновацион ривожланишга масъул идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш келажак технологияларини ўзлаштириш бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга татбиқ этишда муҳим омил саналади. Қардош халқлар орасидаги маданий уйғунлик, туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг муштарак мероси зиёрат туризмини фаол ривожлантиришга салоҳият етарли эканидан далолатдир. Бу борада Ўзбекистон Туркий кенгашнинг ўтган йили ишлаб чиқилган “Замонавий Ипак йўли” сайёҳлик дастурида фаол иштирок этишдан манфаатдордир. 2020 йили Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Туркий кенгашнинг барча мамлакатларида маданий ҳамкорлик, қўшма дўстлик концертлари, фестивал-лари, кўргазмалари, қалбларда илиқ туйғуларни жўш урдирадиган турли тадбирлар ташкил этиш яхши анъанага айланиши зарурки, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик, аввало, одамлар орасидаги дилдошликдан келиб чиқиши шуни тақозо этади. Юнус Эмро, Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули, Абай сингари улуғ аждодларимизнинг ижодий мероси қардош халқлар учун бирдек қадрли. Шу боис халқаро ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакатнинг она тилида “Туркий адабиёт хазинаси” юз жилдлигини нашр этиш айни муддо бўлур эди.

– Биз Ташкилот қошидаги Халқаро туркий академияга аъзо бўлиб киришга тайёрмиз. Шу билан бирга, Кенгашга аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморчилик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида Халқаро ТУРКСОЙ мукофотини таъсис этишни таклиф этамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Инсон капиталини ривожлантириш соҳасида тажриба алмашиш, қўшма таълим, илмий ва маданий лойиҳалар, ёшлар таълим-тарбияси бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш ҳам Туркий кенгашнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи даркор. Туркий кенгаш доирасида Ёш тадбиркорлар форумини таъсис қилиш, биринчи йиғилишни келгуси йил юртимизда ўтказиш таклифи билдирилди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг учрашуви бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди. Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашди. Туркий кенгаш саммитлари мана шундай кўп тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга замин ҳозирлаши билан қардош халқларнинг муштарак келажагини ҳамжиҳатликда, ҳар томонлама манфаатдорлик шароитида бунёд этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фаррух ЖАББОРОВ

Янги Ўзбекистон, янги сайловлар

Мақсадимиз эзгулик, ниятимиз улуғ, тилагимиз фаровон ҳаёт

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига жорий йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган сайлов халқимиз ҳаёти, келажаги учун улкан аҳамиятга эга. Бинобарин, унга ҳозирлик кўришга ғоят масъулият билан ёндашиш зарур. Шу кунларда тамомила ўзгача руҳдаги сайлов кампанияси кечяпти. Мазкур жараёнга ноанъанавий ташаббуслари, ғоялари билан кириб келган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловолди тарғибот тадбирларини мутлақо янги кўринишда ўтказяпти. Ҳаммага севимли масканларда ўтказилаётган оммавий акциялар ўзига хос байрам тусини оляпти, одамларга ҳар жиҳатдан маъқул ва манзур бўляпти.



2

УШБУ СОНДА:

Одамларни рози қилишдан бошқа муҳимроқ вазифа йўқ!



5

Тошкент шаҳар ҳокимлигидан

қарийб 3 миллиард сўм компенсация тадбиркор ҳисобига ундирилади!

6



Бошланиши 1-саҳифада.

Мақсадимиз эзгулик, ниятимиз улуғ, тилагимиз фаровон ҳаёт

“Авесто” мажмуасида шодиёна





O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши томонидан “Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида ўтказилажак тарғибот тадбири тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда хабарлар берилди, таклифномалар тарқатилди. Бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Урганчдаги “Авесто” боғ-мажмуасига жуда кўп одам йиғилди. Улар орасида турли миллат вакиллари ва турфа касб эгалари борлиги алоҳида эътиборга молик. Партиямизни қўллаб-қувватловчилар ҳақиқатан ҳам кўплиги, талай ҳамюртларимиз O‘zLiDeP дастурий ғоялари ва мақсадларига бефарқ эмаслиги ушбу тадбирда яна бир карра яққол намоён бўлди.

Карнай-сурнай садолари байрам бошланганидан дарак берди. Майдонда “Биргаликда биз кучмиз!”, “O‘zLiDeP – менинг партиям!” деган ҳайқириқлар, хитоблар янгради, “Давлат ҳам, ислоҳотлар ҳам, аввало, инсонга хизмат қилиши керак”, “Мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш – асосий мақсадимиз” сингари шиорлар битилган плакатлар, партиямиз рамзлари, тимсолларини туширилган байроқлар янада баландроқ кўтарилди. Майдон узра ўзгача шукуҳ, кўтаринкилик, шодумонлик ҳукм сурди.

– Президентимиз халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш вақтинчалик кампания эмаслигини, бу – халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегия эканлигини бот-бот таъкидламоқда, – деди партия вилоят Кенгаши раиси Ислом Файзуллаев. – Ушбу қатъий позиция партиямизнинг мақсад ва вазифаларига тўла ҳамоҳанг ва биз шу йўлда собитқадамлик билан илгарилаяпмиз. Хусусан, кейинги йилларда вилоятдаги юзлаб маҳалла ва хонадонларга кириб бордик. Одамлар билан юзма-юз бўлиб, уларнинг истак-интилишлари, дарду ташвишлари хусусида сўзлашдик. Катта-ю кичик кўплаб муаммоларнинг ечимини топишга муваффақ бўлдик. Бундан ташқари, бир қанча лойиҳаларни амалга оширдик. Қизғин фаолиятимиз бесамар бўлмади. Фуқароларнинг партиямизга ишончи ортди. Шу йил мобайнида аъзоларимиз сони қарийб 12 мингга кўпайгани, бошланғич ташкилотларимиз 136 тага ортгани ҳам шундан далолат бермоқда. Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи давомида 400 га яқин фуқаро кўмак истаб, партия ҳудудий ташкилотига мурожаат қилгани ҳам диққатга сазовор. Уларга партиявий воситалар билан ёрдам бердик. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатларимиз ушбу йилнинг дастлабки уч чорагида 211 та сайёр қабул ташкил қилди. Учрашувларда мингдан зиёд турли-туман масалалар тилга олинди. Халқ ноиблари муаммолар юзасидан мутасаддиларга 700 га яқин депутатлик сўрови йўллади ва бир қанча масалалар ҳал қилинишига эришди. Лекин бажарилган ишлардан кўра бажарилмаганлари кўпроқ. Ислоҳотларнинг янги босқичида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараёнларга таъсиримизни сақлаб қоламиз, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳисса қўшаверамиз. Бор куч ва салоҳиятимиз, орттирган тажрибамиз белгиланган мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилади.



Тадбирда нафақат электоратимиз вакиллари, маслакдошларимиз, балки бошқа юртдошларимиз ҳам жам бўлдики, бу тарғибот акциялари кенг жамоатчиликда ҳам қизиқиш уйғотаётганини англатади.

– Шаҳардаги 11-автопаркда ҳайдовчи бўлиб ишлайман, – дейди Акмал Ўразметов. – Куни кеча Урганч буюм бозорида бўлиб ўтган акцияда O‘zLiDePчилар бугунги тадбирга таклифнома беришганди. Оила аъзоларим билан бу ерга келдик. Маърузабозлик, расмиятчилик бўлармикан, деган хаёлларга ҳам боргандик. Йўқ, тадбир жуда қизиқарли, мазмунли ўтяпти. Сўзга чиққанларни тинглаб, бу партия катта салоҳиятга эга эканини англадим. Ҳозирча ҳеч қайси партияга аъзо бўлмаганман. Шундай бўлса-да, сайловда O‘zLiDePдан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватламоқчиман. Негаки, тадбиркорлик – ривожланиш, барқарорлик, фаровонликнинг асосидир.

– Туркманистон фуқаросиман. Урганч давлат университетида таҳсил оляпман, – дейди Хидирбой Қурбондурдиев. – O‘zLiDeP ўз ғояларини тарғиб қилишнинг ниҳоятда оммабоп, айни пайтда самарали йўлини танлаганига шоҳид бўлдим. Бошқа партиялар ҳам PR-акцияларни юқори савияда ўтказишга катта эътибор беряпти. Қайси партиянинг ғоялари халққа маъқул бўлса, ўша сиёсий куч сайловда муваффақиятга эришади.

Йиғилганлар воҳанинг эл ардоғидаги хушовоз хонандалари чиқишларини олқишлар билан қарши олишди. Дилрабо куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

Ўз мухбиримиз



Чирчиқда ўзгача руҳ, байрамона кайфият

Чирчиқ шаҳри деганда кўз олдимизга хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, довруғи бутун республикамизга ёйилган турли саноат корхоналари, меҳрибон, олижаноб, соҳиби тадбир одамлар, бунёдкорона меҳнат билан банд кўп миллатли аҳоли жонланади. Кейинги йилларда шаҳар янада шиддат билан ривожланди. Бири-биридан кўркам янги бинолар, заводлар, маданий иншоотлар қад ростлади. Энг муҳими, янгича фикрлайдиган, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб, эл тақдирини ўз тақдири деб билган инсонлар янада кўпайди бу ерда. Шу ўринда шаҳарда икки ярим мингга яқин партиядошимиз борлигини, ҳар йили ўртача 500-600 киши фаолиятини O‘zLiDeP билан боғлаётганини қайд этиш жоиз.

O‘zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши навбатдаги тарғибот тадбирини ҳар жиҳатдан обод ана шу масканда ташкил қилгани таҳсинга лойиқ.

Куннинг биринчи ярмида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида “O‘zLiDeP ёшлар кубоги” мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур таълим муассасаси талабалари волейбол, баскетбол, стол тенниси, мини футбол ва бошқа спорт турлари бўйича баҳслашдилар.

Кечга яқин “Кимёгарлар” маданият саройида тадбирнинг асосий қисми бошланди. Майдонга нафақат тарафдорларимиз ва маслакдошларимиз, балки турли соҳа вакиллари, нуронийлар, ўсмирлар жам бўлганини, ота-оналар фарзандлари билан, ёшлар дўсту ҳамроҳлари билан келганини пайқаш қийин эмасди. Ҳамма ёқда сайловга доир чақириқлар, партиямиз шиорлари ёзилган транспарантлар, O‘zLiDeP рамзи туширилган байроқлар, либослар кўзга ташланади. Одамларнинг чеҳраларида байрамона кайфият, кўтаринкилик, мамнуният балқиб туради.

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов тадбирни очиқ деб эълон қилди ва сайлов кампанияси партия учун энг масъулиятли жараён экани, бу сиёсий куч, биринчи навбатда, тадбиркорлар, фермерлар манфаатини ифода этиши, иқтисодиётни янада либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон эркинлигига эришиш сингари устувор ғоялар рўёби учун курашиши ҳақида сўз юритди.

– Партиямиз ўз тарихида уч марта парламент сайловларини, шунингдек, Президент сайловларида ҳам муваффақият қозонган сиёсий кучдир, – деди партия раҳбари. – O‘zLiDeP ўтган даврда икки марта бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ягона партия. Келгусида ҳам мавқеимизга муносиб иш юритиб, зиммамизга олган барча вазифаларни амалга оширамиз. Хайрихоҳларимиз, сафдошларимиз билан биргаликда тадбиркорлик, фермерлик янада кенг қулоч ёзиши учун, ишбилармонлик муҳити яхшиланиши учун янада қулай шарт-шароит яратамиз. Шу орқали фуқароларнинг даромадини ошириш, бой-бадавлат қилиш, ҳаётдан рози қилиш учун бор кучимизни йўналтирамиз.

Дарҳақиқат, дунёнинг юксак ривожланган мамлакатлари, биринчи навбатда, хусусий бизнесга кенг имконият яратиш орқали улкан салоҳиятга эга бўлган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Юртимизда Президентимиз бошчилигида айнан шу соҳага жуда катта эътибор қаратилаяпти. Тадбиркорларга, инвесторларга қулай шароит яратиш бўйича улкан вазифалар белгиланган ва улар изчиллик билан амалга оширилаяпти. Чунки тадбиркорлик фаровонлик калитидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ана шу вазифалар ижроси учун масъул. Бугун ҳар бир юртдошимизда тадбиркор бўлиш учун имконият бор. Уларнинг ташаббус ва ғоялари рўёбга чиқишида партиямиз доимо мададкордир. Парламентдаги фракциямиз вакили Расул Кушербаев ўз сўзида ана шулар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Ўзбек, тожик, қозоқ, корейс, рус миллий маданий марказлари билан ҳамкорликда тайёрланган бадиий дастурдан ўрин олган куй-қўшиқлар, рақслар, ўйинлар тўпланганларни хушнуд этди.

Биз билан мулоқотда бўлганларнинг айримлари илгари партиямиз ҳақида тўла тасаввурга эга эмасликларини айтди.

– Бугунги тадбир жуда қизиқарли ва мазмунли бўлди, – дейди Бўстонлиқ туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Тожибой Шонигметов. – Шу каби тадбирлар эзгуликка хизмат қилади. Тўғриси, O‘zLiDeP ҳақида кам маълумотга эга эдим. Сўзга чиққанларни эшитиб, фаоллар билан суҳбатлашиб, партия тўғрисида муайян тушунча ҳосил қилдим. Чиндан ҳам, фақат тадбиркорликни ривожлантирибгина ҳар соҳада муваффақиятга эришиш мумкин. Ишбилармонлик, хусусий мулкка йўл бермаган, бу борадаги ташаббусларни бўғган давлатлар қандай аҳволда эканлиги барчага маълум. Шу боис сайловда ушбу партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга аҳд қилдим.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари Дилшод Шоумаров ва Элбек Шукуров “O‘zLiDeP ёшлар кубоги” мусобақаси ғолибларини табриклаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширишди.

– O‘zLiDeP кучлилар, чемпионлар партияси. Бу сиёсий куч кўзлаган барча марраларини албатта забт этади, – деди мини футбол бўйича турнир ғолиби Худоёр Зикрияев. – Чирчиқликлар, O‘zLiDeP билан олға!



Тадбир давомида жуда кўп ёшлар партия сафига қўшилиш истагини билдиргани эътиборга молик.

Хонандалар Тоҳир Содиқов, Анвар Ғаниев, Наргиза Азимова, Афрўза томонидан ижро этилган қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



Махсус вебинар:

Сиёсий технологиялардан қандай фойдаланилади?



Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари учун сайловларни ташкил этишда сиёсий технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган махсус вебинар ташкил этилди.



O'zLiDePнинг марказий ва ҳудудий сайлов штаблари вакиллари билан ташкил этилган ушбу вебинарни **Европа сиёсий консультантлар ассоциацияси президенти, Халқаро сиёсий консультантлар ассоциацияси директорлар кенгаши аъзоси Игорь Минтусов** ўтказди.

Маълумки, шу йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлик сайловлари бўлиб ўтади. Бугун соҳа мутахассислари, экспертлар томонидан бир жиҳат қайта-қайта таъкидланмоқда. Яъни, бу галги сайловлар мутлақо янгича тарзда, ўзгача қарашлар асосида бўлиб ўтади. Бу эса аҳолининг мазкур сайловларга бўлган қизиқиши билан белгиланади. Шундай бир вақтда, албатта, барча сиёсий партиялар ўз сайловолди дастурлари, устуворликларини аҳолига етказишда замонавий, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан ўтган технологияларни жалб қилган тарзда ишларни ташкил этиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Европа давлатларида сайловлар жараёнида сайловолди штабларининг аҳоли билан алоқалар йўналишидаги ишларини самарали ташкил қилиш, одамларни ўйлантирган муаммоларни ҳал қилишда муайян сиёсий кучнинг бошқа партиялардан фарқли ҳал қилувчи ёндошувлари, мазкур жараёнда ижтимоий тармоқлар ва оммавий коммуникация воситаларидан мақсадли фойдаланиш масалалари вебинарнинг асосий мавзуси бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, партияга сайловларда яқиндан кўмак бераётган таниқли сиёсий консультант И.Минтусов ўз ўқувларини бевосита жойида, яъни Ўзбекистонга келиб сайловлар билан боғлиқ жараёнлар ҳамда ушбу сайловларда партиянинг иштироки билан боғлиқ жиҳатларни атрофлича қилган таҳлили, партия фаоллари билан доимий алоқалари асосида амалга оширмоқда. Бундай ўқувлар ва сиёсий консультацияларни бундан кейин ҳам партия штаби вакиллари, кейинчалик номзодлар билан ҳам ўтказиш режалаштирилган.

O'zLiDeP Матбуот хизмати

Мулоҳаза

Телефон эмас, китоб совға қилинг

Ёшлар тарбияси доимо муҳим бўлиб келгани бежиз эмас. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида халқимизнинг тарбия борасидаги азалий анъаналари "оммавий маданият", менталитетимизга ёт ғоя ва қарашлар таъсирида асл моҳиятини йўқотиб бораётгани барчамизни ташвишга солади.

Ушбу жараёнга, яъни тарбия масаласига ўз вақтида жиддий эътибор қаратмасак, эртага кеч бўлиши, тузатиб бўлмас даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг тарбия борасида "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган сўзларини асло унутмаслигимиз лозим.

Сир эмас, юртимизда ёш авлод камолоти йўлида улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, айрим ёшларнинг юриш-туриши, кийиниши, муомала маданиятини кўриб, ўйланиб қоласан киши. Наҳотки шу қиз ёки йигит бизнинг фарзандимиз, бизнинг тарбиямизни олиб ўсган бўлса?

Бугун аксарият йигит-қизларимиз бўш қолди дегунча дарров қўл телефони билан машғул бўлиши одатий ҳолга айланиб қолди. Бунинг нимаси ёмон, техника даври, тараққиёт дерсиз? Тўғри, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, интернет қайсидир маънода узоғимизни яқин, ишимизни енгил қилмоқда. Аммо танганинг икки томони бўлганидек, баъзи ёшларимизнинг уяли телефонга "асир" бўлиб қолаётгани хавотирли. Сабаби, интернет ва ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланишни ҳамма ўғил-қиз ҳам билавермайди, бу эса кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин.

Интернет тармоқларида алдов ва ғаразли мақсадлар йўлида тарқатилаётган турли маълумотларга айрим фарзандларимиз осонгина ишонмоқда. Натижада оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олмай, кимларнингдир қурбонига айланаётир.

Шу боис орисларимизни имкон қадар телефонга эмас, китобга дўст бўлишини таъминласак, ўзимиз ҳам бу борада уларга ибрат бўлсак, нур устига нур бўлар эди. Зеро, маънавият, ибрат оиладан бошланади. Шундай экан, келинг фарзандимизни қутлуғ кунига атаб қандай уяли алоқа воситаси олишни эмас, қандай китоб совға қилишни ўйлайлик. Ана шундагина улар бебаҳо дурдоналарни ўқиб, яхши инсон бўлиб вояга етади.

Нуриддин ЖЎРАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Яккасарой туман бўлими бошлиғи

O'zLiDeP: Атиги 30 сония эртамизни белгилайди

Янгиланаётган Ўзбекистонда 22 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар куни деб белгиланди. Бу – мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига дахлдор йирик сиёсий воқеадир.



Насимжон АЛИМОВ,
O'zLiDeP ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

Сайлов стратегияси ва муваффақият қозониш сирлари, овоз олиш масалалари ҳақида гап кетганда, кўпчилик юксак даражадаги сиёсий таҳлилчи Жоэль Бененсон усулини ёдга олади. Унинг ўзига хос усулларига таянган Барак Обама икки марта сайловда ютиб чиққанидан хабардормиз.

Жуда қисқа вақтда сайловчига сиёсий платформанинг мағзини етказиб бериш усули ҳозир ҳам муҳим. Бироқ атиги 30 сониялик вазифани ижобий натижа билан ҳал қилиш учун 30 кунлик тайёргарлик етмайди. Бунинг учун чуқур таҳлил ва қиёсий тадқиқотдан бош кўтарилмайдиган йиллар, юқори фикрли ўнлаб мутахассис керак. Яъниким бажариш мушкул, аммо интилган имконини топадиган мазкур вазифа ҳар беш йилда сиёсий партияларни жиддий синовдан ўтказади.

Қўл телефонингизнинг дарчасига дам-бадам қарайсиз, телевизор кўрасиз, радио эшитасиз, даврий матбуот ёки интернетга юзланасиз. Муттасил такрорланаётган мавзу битта: **"Янги Ўзбекистонда янги сайловларга расман старт берилди".** Бу бежиз эмас, албатта. Чунки сайлов орқали давлат ҳокимиятининг бош бўғини шакллантирилади. Вакиллик органларига муносиб кишиларнинг келиши мамлакатнинг кейинги тақдири, жаҳонда тутган ўрнини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда бу жараён кучли рақобат, муросасиз тортишув ва жиддий курашлар остида кечади. Шаффофлик ва ошкоралик, очиқлик ва тенглик, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари ҳукмронлиги яққол сезилиб туради.

Ягона Сайлов кодекси қабул қилинган Ўзбекистонда ҳам ана шу даража сари интилиш тобора кучаймоқда. Ҳар кимнинг ўз фикрини эмин-эркин билдириши борасида айниқса сўнгги уч йилда қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Буни нафақат юртимиздаги 20 миллиондан ошиқ сайловчи, балки ташқаридаги синчков нигоҳлар ҳам кузатиб турибди.

Сайловдаги муваффақиятнинг дастлабки омили онгга таъсир кўрсатиш билан боғлиқлиги ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар беш қитъада аксиомага айланиб улгурган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида онг тушунчасига одам руҳий фаолиятининг олий шакли, фикрлаш қобилияти, ақл-идроки дея таъриф берилади. Дарҳақиқат, ҳаётни қанчалик тушунишимиз, ташқи ва ички таъсирларни сезишимиз, муносабат билдиришимиз ҳам онгимизга боғлиқ. Онг – воқеликнинг киши миясида яхлит жараён сифатида муайян мақсадга йўналган ҳолда акс этиши. Ҳар қандай сигнал дастлаб онгимизга етиб келади ва жавоб ҳаракати ҳам айни шу нуқтадан бошланади. Буларнинг бари оний лаҳзаларда юз беради.

Ўхшашликни қаранг: онг ва оний лаҳзалар. Сайлов жараёни (онгли сиёсат) ва сайловчи овози (онгнинг жавоб ҳаракати). Сайловда ғалаба қозонишни астойдил истаган сиёсий куч ўз ғояларининг қаймоғини, яъни эртага нима ва қандай ўзгаришни 30 сонияда сайловчига етказиб бериши – иконтира олиши даркор. Қўлланилган технология қонун доирасидан четга чиқмаса бас. Шу ўттиз сония сайловчига қарор чиқариш учун етарли бўлади ва у сайлов куни яна ўттиз сония вақт сарфлаб, ўзи танлаган партия номзоди кўрсатилган қаторга тарафдорлик белгисини қўяди. Модомики, келажак танловига атиги бир дақиқа кифоя қилар экан!

Ўрта яшар ёхуд эллик-олтмишни қоралаганларнинг онгига бирданига таъсир кўрсатиб бўлмайди, деган қарашлар ҳам XXI асрдаги сайловлар жараёнида чиппакка чиқаётганини унутмаслик даркор. Электорат манфаатини кучли ҳимоялай олишни амалда исботлаш бошқа ғоялар таъсиридаги сайловчининг ҳам қарорини ўзгартириши мумкин. ***Ҳимоялаш – бу фаровонликка эришишнинг ўзга йўлларини инкор этувчи ёки бутунлай тақик қўювчи светофорнинг қизил чироғи эмас, аксинча, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат йўналишидаги яшил чирокдир. Бу ижтимоий ҳимоя, миллий маданият ва маънавият, адолатли жамият ва экологик барқарорлик, бандлиги таъминланган, даромад манбаи яратилган, ҳаётидан мамнун одамлар иштирокида юзага келадиган жараёндир. Бу интеллектуал мулк эгалари, хусусий таълим ва тиббиёт тармоқлари истиқболи порлоқлигига катъий ишора.***

Жоэль Бененсоннинг айтишича, ёшлар ва аёллар билан ишлаш масаласида хатога йўл қўйиб бўлмайди. Бу йил Ўзбекистонда 2 миллиондан ошиқ йигит-қиз сайловда илк бор иштирок этиши, аёлларнинг ҳаётга муносабати 5 йил олдинги ёндашувлардан сезиларли даражада ўзгарганини инобатга оладиган бўлсак, кутилаётган сайловда ҳар бир овоз қадри ниҳоятда юқори, ҳатто ҳал қилувчи бўлишини сезиш қийин эмас.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов куни эълон қилинганига ҳали кўп вақт ўтмасданоқ аҳолида "Бу йилги сайлов аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?", "Сиёсий партиялар яна жимгина қўл кўтариб ўтирадиганларни номзод қилиб кўрсатадими?", "Маҳалладоши ҳам танимайдиган одамга қандай овоз бериш мумкин?", "Олдин сайлаганларимиз нимани ёлчитди?" каби жумбоқли саволлар кўпайди. Одатда савол кўндаланг қўйилганда муаммо илдизи таҳлил қилиниб, ечими изланади. Бунга эътибор бермаган сиёсий куч эса сайловчи назаридан қолади. Шунинг учун ҳам сайлов мамлакат ва халқ манфаатларига бевосита дахлдор воқелик дея эътироф этилади. Ўзини ҳурмат қилган сиёсий куч аввалги сайлов ўтган куннинг эртасигаёқ кейинги сайловга тайёргарлик бошлашининг ҳам боиси шундадир.

Сўнгги чорак асрдан кўпроқ вақт давомида Ўзбекистон мустақил давлат сифатида катта йўлни босиб, қалтис ва оғир синовларни бошидан кечирди. Муваффақиятларимиз ҳаммага аёнку-я, лекин ана шу давр оралиғида муаммолар ҳам тўпланиб келди. Шу боис сайловчи чигалликларга оқилона ва тезкор ечим топадиган сиёсий партияга кўз тикиб турибди.

Ўз навбатида **"Янги, қудратли, очиқ ва рақобатбардош Ўзбекистон!"** шиори остида бу галги сайловларга киришаётган O'zLiDeP ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз, қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимидаги муаммоларни комплекс ечишнинг самарали усулларини таклиф қилаётган ишончли сиёсий партиядир, десак муболаға бўлмайди. Буни қизғин муҳокама қилинаётган Сайловолди дастуримиз лойиҳасини бошқа сиёсий кучлар чора-тадбирлари билан таққослаган киши англамаслиги мумкин эмас. Кейинги беш йиллик масъулиятли давр учун партиямизнинг йўл харитаси бўлажак мазкур ҳужжат ниҳоясига етай деб қолди.

Кези келганда, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз стратегиясини жиддий янгилаши зарур, деган фикр янги ислоҳотларнинг талабидан келиб чиққани ва сўнгги пайтларда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, экспертларимиз иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнларни танқидий баҳоламоқда. Айримлар ҳатто ислоҳотларга қаршилик қилувчи кучлар ҳам борлигини эътибордан четда қолдирмаётир. Бир қатор қарорлар қоғозда қолиб кетиши ёхуд тескари натижа бериши ҳали бизда "яширин иқтисодиёт" масаласини кун тартибидан туширгани йўқ.

O'zLiDeP йирик қудратли сиёсий куч сифатида аҳолининг барча қатлами манфаатини, буюк келажак стратегиясини ифодалайдиган кенг қамровли Сайловолди дастурини амалга ошира оладиган салоҳиятли жамоага эгалигини, "Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!" шиорини илгари суришимизни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, либерализм ва демократия O'zLiDePнинг асосий ғояси бўлиб, у кичик ва ўрта бизнесни истиқболли йўналиш сифатида ривожлантиришга устувор аҳамият берилишини назарда тутади.

Шунингдек, партия одамларни қизиқтираётган масалалар ва қийнаётган муаммоларни ҳар томонлама ўрганган ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожлантириш концепциясини яратишни ўз зиммасига олади. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, блокчейн ва smart технологиялар орқали рақамли иқтисодиёт ва билимлар жамияти (ақлли жамият)ни яратишга алоҳида эътибор қаратади.

Хуллас, катта сиёсий жараён, жиддий синов олдида турибмиз. Шу боис бугун ўтган даврда амалга оширилган ишларимизнинг танқидий таҳлилидан келиб чиқиб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимизни белгилаб олишимиз керак. Биринчи навбатда, ташаббускорлик фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур. Қонун лойиҳалари ё бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўладими, улар муаммо ечимига, масалани тартибга солишга қаратилган бўлсагина наф келтиради.

Энг асосийси, партия томонидан депутатликка номзод сифатида халқ билан очиқ мулоқотга тайёр бўлган, халқнинг ичига кира олган, ёшу қарининг дарду ташвиши, орзу-ниятини яхши тушунган ва ҳис қила оладиган етук профессионаллар танланмоқда.

Дақиқа қадри. Унинг ярми сайловчининг қарор қабул қилиши, қолган ярми эса шу қарорини маълум қилиши учун кифоя. "Давлат хизмати тўғрисида", "Экспорт тўғрисида", "Логистика тўғрисида", "Кластерлар тўғрисида", "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонунлар, Тадбиркорлик, Инвестиция, Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги кодекслари лойиҳаларини ишлаб чиқамиз ва қабул қилинишига эришамиз. Бундан ташқари, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида "Муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш тўғрисида", "Тадбиркорлар академиясини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлар лойиҳалари, "2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси", "Рақамли Ўзбекистон 2030" давлат дастурини ишлаб чиқиш, инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, соҳага ишончли шерикларни жалб қилиш, туризм саноатини жадал ривожлантириш дастурларини таклиф этамиз.

Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини, адолатли судловни таъминлаш, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилишини кенгайтириш, келажакда халқ томонидан сайланадиган ва оддий фуқаролик низоларини кўриб чиқувчи халқ судьялари институтлари, халқ вакилларидан ташкил топган ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи ҳакамлик суди институтларини жорий қиламиз.

Адвокатура институти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, тергов ва суднинг барча босқичида адвокат ролини ошириш, нотариат ва фуқаролик ҳолатини қайд этиш органлари тизимини ислоҳ қилиш, соҳада хусусий сектор ролини кучайтириш каби таклифлар ҳам Сайловолди дастуридан ўрин олган.

Кўрдингизми, атиги 25 сония вақтингизни олдик. Қолган 5 сония эса нигоҳингиздаги ишонч аломатларини кузатишимиз учун етарлидир.

Бешта бизнес субъекти қайта тикланди

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туфайли юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар барча жабҳаларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинган 2019 йилда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саноатни модернизациялаш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга жиддий эътибор қаратиляпти. Аҳамиятли томони, ушбу саъй-ҳаракатларга O'zLiDeP ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Аниқ мисол сифатида биргина кичик саноат зоналари фаолиятини олиб кўрайлик. Бугунги кунда ***Жиззах вилоятида 13 та кичик саноат зоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 120,7 гектардан иборат. Мазкур ҳудудларда 2018 – 2020 йилларда умумий киймати 960,9 млрд. сўмлик 68 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар киймати 92,2 млрд. сўмлик 33 та лойиҳа фойдаланишга топширилиши натижасида 45 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 298 та янги иш ўринлари яратилди.***

– Айни пайтда аграр соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар партиямиз электорати бўлган фермерлар фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли бўлгани боис жойларда кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши Бизнес тузилмалари ва фермерлар билан ишлаш бўлими консультанти Дилшод Турсунбоев. – Эътиборли жиҳати, иштирокчилар ҳамкор ташкилотлар мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволлар, муаммолар юзасидан мурожаат қилиш имконига эга бўлишяпти. Очиқ мулоқотларнинг амалий самарасини таъминлаш бош мақсадимизга айланган. Масалан, "O'zLiDeP – инновацион тараққиёт тарафдори" лойиҳаси доираси ташкиллаштирилган "Илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва "ақлли" технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш" мавзусида ўтказилган тадбирлар натижасида аввал тугатиб юборилган тадбиркорлик субъектларидан 5 тасини қайта тиклашга ҳамда 34 нафар ишчи ўрин яратишга эришилди.



Ёшларга йўл беринг!

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар ташкил қилади.

Ҳозир юртимизда 33 миллиондан кўпроқ киши истиқомат қилаётганини ҳисобга олсак, мустақиллик йилларида таваллуд топган, миллий истиқлол ғояси асосида тарбияланган билимли ёшлар нафақат келажагимизнинг, балки бугунги кунимизнинг ҳам етакчи кучига айланганини кўришимиз мумкин.

Жиззах вилоятидаги O'zLiDeP аъзоларининг 60 фоиздан ортиғи, яъни 23949 нафарини ёшлар ташкил қилади. Партия томонидан амалга оширилаётган "Хавфсиз интернет", "Парламентда менинг ўрним" каби лойиҳалар доирасидаги тадбирларнинг оммавийлигини, қизиқарлилигини таъминлашда ёш маслакдошларимизнинг ўзлари бош-қош бўлмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш борасида жойларда кенг миқёсли тарғибот ишлари олиб бориш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида ёш тадбиркорлар томонидан ишга туширилган 76 та лойиҳага 17 миллиард 470 миллион сўм кредит маблағлари ажратишда O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшди. Натижада 210 та янги иш ўрни яратилди.

– "Янги авлод кадрлари" лойиҳаси доирасида Жиззах давлат педагогика институтидан 50 нафар, Жиззах политехника институтидан 40 нафар иқтидорли битирувчи талаба партиянинг истиқболли кадрлар захирасига олинди, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Холмат Тўраев. – Айниқса, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагида бўлган ёшлар билан мунтазам иш олиб борилмоқда. Мисол учун, "Ёшлар қаноти"нинг фаол аъзоси Шаҳноза Тўрақулова 2018 йилда "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлиб 7,5 млн. сўмлик кредит хисобига "Jannatmakon Jizzaxim" хунармандчилик марказини ташкил этди.

Ишонч қозониш осон эмас

Жиззах вилоятида O'zLiDeP туман (шаҳар) Кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда партия туман (шаҳар) ташкилотларининг 5 йиллик фаолияти таҳлил қилиниши билан биргаликда, O'zLiDeP вилоят Кенгаши конференциясига жами 72 нафар делегат сайланди.

– Партия фаолияти ҳақидаги ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштиришда БПТларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда O'zLiDeP вилоят Кенгаши таркибида ўз сафларига 38231 нафар маслакдошни бирлаштирган 751 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги уч йилда вилоятда бошланғич партия ташкилотлари 110 тага, аъзолар эса 21218 нафарга ошди, – дейди БПТлар билаш ишлаш гуруҳи раҳбари Холбек Асатов. – Партия сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи навбатдаги ҳисобот сайлов конференцияларига тайёргарлик кўриш жараёнида мавжуд БПТларнинг барчасида умумий йиғилишлар бўлиб ўтди.

Ўтган йили "Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти" республика танловида ғолибликни қўлга киритган Шароф Рашидов туман партия Кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясида вилоятдаги энг кўп 93 та бошланғич партия ташкилоти сафига бирлашган 3992 нафар фаоллар томонидан сайланган делегатлар, туман Кенгаши депутатлари, партиянинг фаол ёшлари, электорат вакиллари иштирок этдилар.

Айни пайтда партия вилоят кенгаши конференциясига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

"Ложувард асаллари" ҳақида эшитганмисиз?

Хотин-қизларнинг ислоҳотлар янги босқичида фаол иштирок этишига кўмаклашиш, соддароқ қилиб айтганда, уларга ишлаб чиқариш ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиш билан бирга оила юмушларини ҳам адо этишлари учун қулай имконият яратиб бериш мақсадида партия "Аёллар қаноти" олиб бораётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Айни кунда O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибидаги партия аъзоларининг 26,8 фоизи ёки 9 930 нафарини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. "Аёллар қаноти" фаоллари томонидан 2019 йилнинг ўтган даври давомида жами 242 та муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, "Ишбилармон аёл", "Соғлом оила – мустаҳкам оила", "Бунёдкор аёллар", "Фаровон оила" каби муҳим ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида 27 нафар аёлга тадбиркорлигини бошлаши учун аниқ тавсия ва амалий ёрдам берилди. 31 нафар аёлга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 1 млрд. 376 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилишига кўмаклашилди. Натижада 42 та янги иш ўрни яратилди.

– 2018 йилда "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг республика босқичида Зомин туманидаги "Ложувард асаллари" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаббат Аманова биринчи ўринни қўлга киритди, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Шоира Ғозибекова. – Шунингдек, "Жаннатмакон Жиззахим" миллий ҳунармандчилик маркази раҳбари Шаҳноза Тўрақулова "Энг ёш фаол тадбиркор" номинацияси ғолиби бўлди. 2019 йилда эса "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг республика босқичида Пахтакор туманидаги "Бунёд дур текс" МЧЖ раҳбари Фарида Раҳмонова ғолиблар қаторидан жой олди.

Озод РАЖАБОВ ва
Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ тайёрлади.

Косонсойда форум

НАМАНГАН

O'zLiDeP Косонсой туман Кенгаши ташаббуси билан "Соғлом аёл – юрт келажаги!" шиори остида форум ташкил этилди.

Мулоқот давомида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича самимий суҳбат қурилди. Шунингдек, оилавий қадриятларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишда аёлларнинг ролини ошириш масалаларига урғу берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозирда эса депутатликка номзодини кўрсатмоқчи бўлган аёллар орасидан малакали мутахассисларни саралаш, уларнинг ақл-заковати, куч-ғайрати, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш партиянинг асосий мақсадларидан биридир. Шу боис янгиликка чанқоқ, эл-юрт равнақи учун фидойи бўлган, замон руҳини теран илғайдиган ишбилармон ва тадбиркор хотин-қизлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбир доирасида O'zLiDeP ташаббуси билан ташкил этилган тиббий кўрик орқали 65 нафар хотин-қиз ва 40 га яқин болалар қамраб олинди. Уларнинг 15 нафарида камқонлик, 17 нафарида эндокрин касалликлар аниқланиб, даволаниш учун йўлланма ва тавсиялар берилди.

Форум Косонсой туманидаги "Маҳдуми Аъзам" маданият ва истироҳат боғи очилиш маросимига бағишланган концертга уланди.



Сайёр қабулда...

O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши мутасаддилари Уйчи туманидаги "Шафтоли" ва "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун сайёр қабул ўтказишди.

Мулоқотда жамланганлар асосан ҳудуд ободончилиги ва ички кўчаларни яхшилаш масаласини ўртага ташладилар. Шунингдек, пенсия ва уй-жой таъминоти ҳам энг кўп кўтарилган масалалардан бири бўлди.

Ҳудуддаги айрим кўчаларда электр тармоқлари қўлбола тарзда ўрнатилган ёғоч симёғочлардан иборатлиги аҳолига жиддий хавф туғдираётгани, суюлтирилган газ баллонларини етказиб беришдаги узилишлар, ҳудудда мактабгача таълим муассасасининг етишмаслиги, "Уйчи-Жийдакапа" катта магистраль йўли таъмирталаблиги ва йўлнинг четида пиёдалар учун йўлак мавжуд эмаслиги каби муаммолар аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, Тош йўли кўчаси оқава тозалов тармоғи ўтказиш учун ковланганлиги учун бу жойдан тармоқ ўтказилган бўлишига қарамай, ҳозиргача чуқур кўмиб ташланмаганлигини, бу эса автомобиль ва пиёдалар учун хатарли эканлигидан арз қилинди.

– Ҳудудимиздаги 12-мактаб катта магистраль йўл бўйида жойлашган, болаларимиз шу серқатнов йўлни кесиб ўтишга мажбур. Лекин бу ерда на пиёдалар ўтиш йўлаги, на светафор бор, – дея куюниб гапирди маҳаллий аҳоли вакиллари номидан сўзга чиққан Ф.Усмонов.

– "Шафтоли" ва "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини вилоят марказидан олис ҳудудда жойлашган ва бу ерда 6100 дан зиёд киши истиқомат қилади, – дейди Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши депутати Гавҳар Ҳакимова. – Бугунги учрашувда фуқаролардан 30 га яқин мурожаат ва таклифлар келиб тушди. Улар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Юлдуз ЮЛДАШЕВА,
O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби

Мажбурий тиббий суғурта керак(ми?)

O'zLiDeP Наманган вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида "Тиббий суғуртани жорий этиш: ҳудудий тиббий муассасалар салоҳияти ва фуқаролар имкониятлари" мавзусида тадбир ташкил этилди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Наманган вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходимлари, шунингдек, хусусий тиббий клиникалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловолди дастури Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги бешта йўналишнинг тўртинчисида партиянинг ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги вазифалари белгиланган. Яъни, хусусий тиббий хизматни кенг йўлга қўймасдан туриб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, соҳани жадал ривожлантириш қийин, бирдан-бир йўл – тенг рақобатлаша оладиган хусусий тиббиёт хизмати орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш мумкин, деган ғоя илгари сурилмоқда.

O'zLiDeP тиббиёт сифатини давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида тубдан яхшилаш тарафдори. Партия хусусий тиббиётни сифатли тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш тиббиётда янада самарали ҳамда замонавий технологиялар ва инновацияларни жорий этишнинг гарови деб билади.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мажбурий тиббий суғуртага босқичма-босқич ўтиш, ўз навбатида, тиббиёт соҳасини ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади.

– Бугунги кунда тиббиётда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пастлиги ва улар ўртасида рақобат мавжуд эмаслиги мажбурий тиббий суғуртага ўтишни тақозо этмоқда, – дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси, сенатор Солижон Мўминов. – Бу жараён ҳозирги кунда Янгиқўрғон туманида синов тариқасида амалга ошириляпти. Айтишим керакки, мажбурий тиббий суғурта Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мажбурий тиббий суғурта жамғармаси ҳисобидан бепул амалга оширилади.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, мажбурий тиббий суғуртага ўтиш жараёни уч босқичда бўлади. Биринчи босқич 2021 йилда Сирдарё вилоятида, иккинчи босқич 2022-2023 йилларда республикамизнинг олтита вилоятида ва сўнгги босқич 2024- 2025 йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилади.

Долзарб мавзу

Банк ва мижоз:

Одамларни рози қилишдан бошқа муҳимроқ вазифа йўқ!

Анча йиллардан бери телеканаллар эфиридан тушмайдиган, аксарият молия муассасаларининг кираверишига битиб қўйиладиган гап бор: ***мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилади!*** Банклар билан боғлиқ муносабатларни ўз тажрибасида кўрган кишиларнинг салмоқли қисми яна бир иборани турли давраларда такрорлашдан чарчашмайди: телевизорда кўрсатилганларнинг ярми реал ҳаётда амал қилганда ҳам аллақачон 50 та ривожланган давлатлар қаторига яқинлашиб қолардик...

Жисмоний ва юридик шахсларнинг молия муассасаларига билдирадиган эътирозлари орасида кредитлар билан боғлиқ масалалар кўпчиликни ташкил қилади. Бундай мурожаатлар таҳририятимизга ҳам йўлланади. Шуларнинг ҳаммасини умумлаштирган ҳолда Марказий банк мутасаддиларига бир қатор аниқ саволлар билан мурожаат қилдик. Қуйида Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари И.Норқулов имзоси билан келган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Савол: ***Марказий банк қандай ҳолатларда давлат-тижорат банкларининг актив операцияларини тўхтатиш бўйича қарор қабул қилади ва нимага асосан? Ҳозирги вақтда қайси давлат-тижорат банкларига нисбатан шундай қарор қабул қилинган*** **(у ким томонидан имзоланган)** ***ва қачонгача амал қилади? Ваҳоланки, бу борада оғзаки топшириқ хусусида гап-сўз бўлиши мумкин эмас.***

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг **"Марказий банки тўғрисида"**ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ, банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Марказий банк томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомда *(рўйхат рақами 622, 1999 й. 5 май)* банкларнинг актив операциялари қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши белгиланган:

– ўрнатилган иқтисодий нормативлар ва банк қонунчилиги, банклар ва уларнинг филиаллари томонидан бузилганида *(алоҳида операцияларни ўтказишни олти ойгача муддатга чеклаб қўйиш)*;

– банк томонидан ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира фондини шакллантириш бўйича нормативга ҳисобот ойи давомида риоя қилинмаганида, Марказий банк тузатиш чоралари киритилиши лозимлиги тўғрисида банкка кўрсатмалари ижро этилмаганда ёки охирги уч ой мобайнида захира фондини шакллантириш таъминланмаган, яъни банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларига реал хавф туғилган тақдирда *(кредит операцияларни ўтказишни олти ойгача муддатга чеклаш ёки қўшимча иқтисодий нормативлар ўрнатиш)*;

– банкда ссудалар, шу жумладан, факторинг ва лизинг операциялари бўйича муддати ўтган қарздорлик, кредит қўйилмалари умумий суммасининг 10 фоизидан ортганида муддати ўтган қарздорликни камайтириш борасида Марказий банкнинг кўрсатмаси бажарилмаган тақдирда ёки ссудалар бўйича муддати ўтган қарздорлик суммаси охирги уч ой давомида ўсганида *(олти ойгача кредит операцияларини амалга оширишни таъқиқлаш)*;

– валюта операцияларини ўтказиш тартиби такроран бузилишига йўл қўйилганда Марказий банк тегишли жарима қўллаганидан сўнг тижорат банкига ишдаги камчиликларни бартараф этишга доир тегишли чоралар кўриш бўйича йўллаган кўрсатмаси бажарилмаганда (хорижий валютада операцияларни амалга оширилиши олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиш);

– Марказий банкнинг банк ички ҳужжатларини (таомилларини) қонунчиликка мувофиқлаштириш ҳақидаги кўрсатмалари жарима жазолари қўлланилганидан кейин ҳам ижро этилмаганда *(банкнинг қонунчиликка зид бўлган ички ҳужжатларига (таомилларига) мувофиқ амалга ошириладиган банк операцияларини амалга оширишни бир йилгача муддатга тўхтатиб туриш)*.

Юқорида келтирилган чора ва санкциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг қарорига мувофиқ қўлланилади.

Хусусан, мазкур қўмитанинг жорий йил 12 сентябрдаги қарори билан "Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низом талабларига амал қилмаганлиги учун 10 та тижорат банкининг актив операциялари Марказий банкнинг тегишли кўрсатмалари берилгунга қадар таъқиқланди.

Мазкур чекловлар кредитларни сўндириш ҳисобига келиб тушадиган маблағлардан ҳар ойлик соф тушумнинг эллик фоизи миқдорида кредит ажратишга, хорижий кредит линиялари, мақсадли жамғармалар ҳисобига ажратиладиган кредит амалиётларига ва давлат дастури доирасида молиялаштирилаётган лойиҳаларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги белгиланган.

Ўз ўрнида, ликвидлилик кўрсаткичларини Марказий банк талабларига мувофиқлаштирганлиги сабабли, Марказий банк Банк назорати қўмитасининг 2019 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан 5 та банкка нисбатан ўрнатилган таъқиқлар бекор қилинди.



Савол: ***Деярли ҳар куни ўнлаб ТВ каналлари орқали ўзини реклама қилаётган, фақатгина мижоз учун ишлаймиз, марҳамат, қулай кредитларимиздан фойдаланинг, деб жар солаётган, веб-сайтида ҳам худди шундай эълонда кредит турлари рўйхатини келтириб қўйган банклар нима учун кредит сўраб борганларга аксарият ҳолларда "Кредит учун бизда ҳозир ресурс йўқ" деб жавоб беради? Лекин уларнинг акциядорлик кенгашлари йиғилишларидаги ҳисоботларида "Йил давомида ФАЛОН МЛРД. сўм кредит ажратдик" дея қайд этилиши оддий одамларнинг ғашини келтираётгани қайси мантиққа тўғри келади?***

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ банк – тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари кредит ажратиш учун қарор қабул қилишда мустақил бўлиб, улар бу жараёнда энг аввало кредит таваккалчилигига, йиллик бизнес-режа доирасида ва мавжуд ресурс миқдоридан келиб чиқиб, банк ликвидлилиги ҳамда капитал етарлилигини таъминлаган ҳолда кредит ажратишга ҳақлидирлар.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2018 йил 21 декабрдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолиятига аралашиш, шу жумладан, кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчилигини бошқаришига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Тижорат банклари "нима учун кредит сўраб борганларга аксарият ҳолларда "Кредит учун ҳозир ресурс йўқ" деб жавоб беради", деган саволингизга келсак, аввало кредит сўраб борганларнинг кредитнинг қайси туридан фойдаланмоқчи бўлганини аниқлаб олиш зарур. Чунки кўплаб ватандошларимиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит ажратишни сўрайди. Аёнки, имтиёзли кредитлар давлат дастурлари асосида ажратилади ва давлат томонидан молиялаштирилади. Молиялаштиришдаги узилишлардан хабарсиз бўлган ватандошларимиз ўринсиз ҳолда бунга тижорат банклари айбдор, деб ҳисоблайдилар.

Юқорида айтилганидек, банк – тижорат ташкилоти. Банклар ўзлари таклиф этаётган тижорат шартларидаги кредитлардан тадбиркорлик субъектларининг узлуксиз фойдаланиши учун етарлича ресурсга эга.

Савол: ***Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига республика бўйича одамларнинг энг оғриқли муаммоси бўлган ипотека кредити учун қанча маблағ ажратилди? Давлат-тижорат банкларига "иккиламчи бозор учун ипотека кредити ажратилмасин" деб топшириқ беришга Марказий банкнинг расмий ваколати борми (қайси ҳужжатга асосан)? Айни кунда қайси молия муассасаларида шундай кўрсатма амалда?***

Жавоб: Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳудудий дастурлар доирасида туражойга муҳтож фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида тижорат банклари ўз активларининг диверсификациясига мувофиқ, ипотека кредити ресурс маблағларини асосан ҳудудларда қурилаётган замонавий кўп қаватли уйларни қуриш учун пудратчи ташкилотларга кредит маблағлари ажратишга ҳамда ушбу уйларнинг аҳолига ипотека кредити асосида сотишга (бирламчи бозорга) йўналтирмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар айрим ҳудудларда тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига қуриб битказилган уй-жойлар аҳоли томонидан сотиб олинмаётгани, натижада кўп қаватли уй-жойлар қурилишига ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келаётганини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги "2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги "Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек, ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низомдаги белгиланган тартибларга мувофиқ ипотека кредитлари устувор равишда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож жисмоний шахсларга кўп квартирали уй-жойлардан квартира сотиб олишларига йўналтирилмоқда.

Бинобарин, қонунчилик ҳужжатларига асосан "тижорат банкларига иккиламчи бозор учун ипотека кредити ажратилмасин", деб топшириқ беришга Марказий банкнинг ҳам, бошқа бирор ташкилот ёки ҳокимликнинг ҳам ҳаққи йўқ!

Яна бир бор қайд этамиз, тижорат банклари кредит сиёсати ва ҳукумат дастурлари ижросига масъуллик ҳиссидан келиб чиқиб, ипотека кредитларини – хоҳ у бирламчи, хоҳ иккиламчи бозор бўлсин, ажратишда давом этади.

Тижорат банкларининг кредит портфели таҳлили ипотека кредитлари ажратиш ҳажми йил сайин ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2019 йил январь – август ойларида 30 147 та фуқарога уй-жой сотиб олишлари учун 4,1 трлн. сўм миқдорида, шундан 29 916 та фуқарога бирламчи бозордан 4,1 трлн. сўм ва 231 та фуқарога иккиламчи бозордан 60,5 млрд. сўм миқдорида ипотека кредит маблағлари ажратилган.

Мухтасар хулоса

Азиз газетхон, шоҳиди бўлганингиздек, таҳририят ижодкорлари сизларни қизиқтирган энг долзарб ва нозик саволларга мутасаддиларнинг жавобини олишга эришди. Уларнинг қанчалик аниқ ва тўлиқлиги, қонунчиликда белгиланган муддатда ўз вақтида берилган-берилмагани бошқа масала, албатта. Муҳими, кимнинг қандай ҳуқуқ ва ваколатга эга экани яна бир очиқ таъкидланганида. Соҳага масъул раҳбарлардан бирининг матбуот орқали "тижорат банкларига иккиламчи бозор учун ипотека кредити ажратилмасин", деб топшириқ бериш Марказий банк ёки бошқа бир ташкилот ёки ҳокимликнинг ҳаққи йўқ"лигини, актив операциялар тўхтатилишига банкларнинг ўзи айбдорлигини, кредит портфели ва ресурсларни банклар тижорат ташкилоти сифатида ўзлари мустақил белгилашини расмий баён қилиши кўп нарсани ойдинлаштиради. Зора, энди "фалон ёпилган", "пистон ёпилган"лар барҳам топа бошласа...

Агар молия муассасаларига яна саволларингиз ёки эътирозларингиз бўлса, марҳамат, уларга биргаликда жавоб-ечим топишга тайёрмиз.

Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири

Секторлар фаолияти

Ҳисоб-китоб палласи яқин

Фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш бугуннинг долзарб масаласи даражасига кўтарилгани, айниқса, секторлар фаолиятида яққол кўзга ташланаётир. Аҳоли билан очиқ, тўғридан тўғри мулоқотни кучайтириш, секторлар доирасидаги ишларни ташкил этиш сифатини ошириш ҳамда фаолиятнинг янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 8 январь куни Президентимиз томонидан "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор имзоланган.

Ушбу ҳужжат асосида жойларда секторлар фаолияти тубдан кўриб чиқилиб, таҳлил этилмоқда. Энг чекка ҳудудлардаги хонадонларга ҳам борилиб, муаммолар ўрганилаётгани, ечими юзасидан амалий ишлар олиб борилаётгани кўринмоқда. Мисолларни учинчи сектор фаолиятида кўриб чиқсак.

Учинчи секторга қарашли 131 минг 809 хонадонда яшаётган аҳоли вакилларининг турмуш тарзи, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш учун уч юзга яқин мутахассисдан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, уйма-уй мурожаатлар қабул қилиниб, 17 мингга яқин муаммо мавжудлиги аниқланган. Уларнинг асосий қисми табиий газ, электр энегияси ва ичимлик суви таъминоти бўйича бўлди. Соғлиқни сақлаш, бандлик, моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жой ажратиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, паспорт-виза ҳамда бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур ҳисобланган масалалар юзасидан ёрдамлар сўралган. Кўрилган амалий тадбирлар натижасида аниқланган муаммоларнинг 15 минг 947 таси ўз ижобий ечимини топди.

Электр энергияси таъминоти тизимида 62 километр масофага янги тармоқлар тортилиб, трансформаторлар ўрнатилди. Узатиш тармоқларининг 346 километри мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Мингдан ортиқ хонадонга суюлтирилган газ баллонлари берилди. Ҳудудлардаги 715 та газ тақсимлаш қурилмалари кўрикдан ўтказилиб, 15 мингдан зиёд хонадоннинг таъминот даражаси яхшиланди.

Ярим йил давомида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан салкам 300 километрга янги сув қувурлари тортилиб, 55 километрдан ортиқ тармоқ ва 41 та сув қудуғида реконструкция ишлари тўла амалга оширилди.

– Сектор фаолияти барча жойларда, барча йўналишларда намунали тарзда ташкил этишга ҳаракат қилиняпти, – дейди **3-сектор раҳбари, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Собиров.** – Масалан, ўттиз бир минг нафар ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган 40 га яқин меҳнат ярмаркалари якунида 5 ярим минг фуқаронинг турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлашишига эришдик. Икки ярим минг нафардан ортиғи розилигига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Вилоят ишчи гуруҳи томонидан жойларда ташкил этилган сайёр қабуллар давомида мингдан зиёд фуқаронинг муаммоли масалалари бўйича мурожаатлар келиб тушди. Шундан айни кунга қадар 800 таси жойида бартараф этилди.

Уйма-уй ташкил қилинаётган тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, ҳудудларда яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, шунингдек, жиноят содир этишга мойил ёки жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, манзилли кўмак кўрсатилиши туфайли жиноятлар 624 тага ёки 36 фоизга камайишига эришилди.

Ҳал этилмаган масалаларни бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилот ва корхоналарга тегишли тартибда тақдимномалар киритилмоқда.

Халқ билан ҳамнафас яшаш керак. Одамларга ҳар томонлама наф келтириш, уларнинг муаммоларига биргаликда ечим топиш секторлар олдидаги муҳим вазифага айланганини бугун амалда кўриб турибмиз.

Зилола РАҲМОНОВА,
"XXI asr" мухбири

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Партиянинг сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши унинг туман ва шаҳар тузилмаларига ҳам боғлиқ, албатта. Бошланғич ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш ва бошқа йўналишлардаги ишларда партия туман ва шаҳар ташкилотлари катта ўрин тутади. Шундай экан, мазкур тузилмалар фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? O'zLiDeP туман ва шаҳар ҳисобот-сайлов конференцияларида ана шу муҳим саволга жавоб изланди. Ишчанлик руҳида, ўзаро фикр алмашинувлар билан ўтган ушбу тадбирларда партия вилоят конференциясига делегатлар сайлаш, сайловолди тарғибот ишлари таъсирчанлигини кучайтириш масалалари ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Сарҳисоб нимадан дарак беряпти?

БУХОРО

Беш йиллик фаолият... қониқарлими?

O'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгашининг навбатдаги конференциясида дастлаб партия ташкилотининг ўтган беш йил давомидаги фаолияти юзасидан ҳисобот тингланди. Бу тўғрида партия шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов маъруза қилди. Таъкидланганидек, бундан 5 йил илгари шаҳарда партия аъзолари 1462 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда сафдошларимиз сони 4350 нафарга етган. Уларнинг 40 фоизи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳамда тадбиркорлик, фермерлик билан машғул кишилардан иборат. Мазкур ижобий кўрсаткичлар ташвиқот ишларининг самарадорлигидан дарак беряпти.

Конференцияда ўтган йилларда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам тилга олинди. Чунончи, баъзи БПТлар, депутатлар зиммаларидаги вазифаларни талаб даражасида уддалай олмаяптилар. Шунингдек, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш зарурлиги кўзга ташланяпти. Тарғибот тадбирларини шакл ва мазмун жиҳатдан янада яхшилаш, уларга замонавий услубларни кенгроқ жорий қилиш ҳам галдаги вазифалар сирасига киради. Қатнашчилар ана шу сингари нуқсонларни бартараф этиш йўлларини ҳам муҳокама қилди, бу борада аниқ йўл-йўриқлар, режалар ишлаб чиқди.

Сўзга чиққан партия фаоллари Ахтам Исаев, Ғайрат Бозоров, Муҳаммаджон Камолжонов ва бошқалар йиғилганлар эътиборини сайловга тайёргарлик билан боғлиқ масалаларга қаратдилар. Шаҳар Кенгаши депутатлигига энг муносиб номзодларни кўрсатиш, сайловолди штаби фаолияти самарадорлигини ошириш, PR-акцияларни юқори савияда ўтказиш кабилар юзасидан асосли таклифлар билдирди.

Асҳор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Ошкора, танқидий руҳда

O'zLiDeP Қарши шаҳар Кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда бошланғич партия ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, тадбиркорлар, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда партия шаҳар бўлимининг 2014 – 2019 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланиб, жорий йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда партия шаҳар ташкилоти вилоятдаги маҳаллий партия кенгашлари орасида энг намунализи саналади. Ўтган даврда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтказилган лойиҳаларда тўрт минг нафарга яқин аёллар ва ёшлар иштирок этди. Депутатлар кўмагида уларнинг 70 нафарига банклардан сармоя берилишига эришилди. Натижада 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан мансабдор шахсларга 104 та депутатлик сўрови юборилди. Сессияларга 38 та долзарб масала юзасидан таклифлар киритилиб, уларнинг 12 таси юзасидан сессия қарорлари қабул қилинди.

Ҳисобот даврида "Санам" хусусий корхонаси, вилоят архивлар бошқармаси, Қарши буюм бозори, Шайхали ғишт ишлаб чиқариш корхонасидаги қуйи бўғинлар фаолияти намунали деб топилди. Қарши шаҳрида партия аъзолари сони 1 минг 500 нафарга кўпайиб, 5920 нафарни ташкил этди. БПТлар фаолиятини жонлантириш мақсадида 4 та ўқув-семинар ташкил этилди.

Ошкоралик, ўз-ўзини танқид асосида ўтган конференцияда сайловга пухта ҳозирлик кўриш, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш, сайловолди тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, кузатувчи, ваколатли вакилларни танлашга алоҳида аҳамият қаратиш, БПТ етакчилари, партия ташкилоти ходимлари ва фаолларнинг муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирокини таъминлаш учун улар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Конференция якунида O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгашига делегатлар сайланди.

– Мамлакатимиз сиёсий майдонидаги дадил одимлари билан нафақат электоратимиз, балки аҳолининг турли қатламлари ишончини қозонган партиямиз аъзолари муҳим сиёсий имтиҳонга тайёргарлик ишини бошлаб юборди, – дейди партия шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Баҳром Сатторов. – Жойлардаги вакиллик органларига имкон қадар кўпроқ номзодларни тавсия этиш учун фаолликни янада оширишимиз талаб этилмоқда. Чунки янгиланаётган даврнинг сайловлари биз кутгандан ҳам муросасиз, кучли рақобат остида кечиши табиийдир. Бугунги конференцияда фаолиятдаги камчилик ва нуқсонлар ошкор айтилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

СИРДАРЁ

Сайловолди тадбири

O'zLiDeP Гулистон шаҳар Кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда партия ташкилотининг фаолияти, ютуқ ва камчиликлари атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан белгиланган режа асосида 2014 йилдан то шу кунгача партия шаҳар Кенгаши, бошланғич партия ташкилотларида 565 та турли тадбир ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият, фуқаролик институти ҳамда бошқа уюшмалар билан ҳамкорликда 300 дан ортиқ давра суҳбати, учрашув ва мулоқотлар ташкил қилинди.

Бошланғич партия ташкилотлари сони ҳисобот даврида 54 тадан 69 тага етди. Маслакдошларимиз сони эса айни пайтда 4866 нафардан зиёд. Улар дастурий ғоя ва мақсадларимиз амалга ошишига, партиямиз мавқеи мустаҳкамланишига муайян ҳисса қўшмоқда.

– 2019 йилда Гулистон шаҳрида кичик бизнес корхоналари сони 1510 тага, экспорт-импорт билан шуғулланувчи йирик корхоналар сони 108 тага, қўшма корхоналар сони 29 тага етди, – дейди партия шаҳар Кенгаши аппарати раҳбари Лола Кенжаева. – Ана шундай ижобий натижаларга эришилишида партия шаҳар бўлими томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Эътиборлиси, корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини партиядошларимиз ташкил қилади.

Шунингдек, 2019 йилда 28 нафар фуқаронинг шикояти ўрганилиб, кўтарилган муаммоларнинг 72 фоизи депутатлар кўмагида ҳал этилди. Ташкилотларга 40 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди. Шунингдек, шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан 21 та учрашув ташкил қилинди.

Ўтган давр мобайнида партия Сирдарё вилояти Кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда партиявий кадрларни ўқитиш ва раҳбар кадрларнинг сиёсий билимларини ошириш борасида белгиланган график асосида ўқув-семинарлар ўтказилди ва истиқболли кадрлар захираси шакллантирилди. Шунингдек, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир сўнгида Кенгаш фаолиятига ижобий баҳо берилиб, вилоят конференциясига делегатлар сайланди.

Дилором ЭСОНОВА,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

Суд ҳимояси

Тошкент шаҳар ҳокимлигидан

қарийб 3 миллиард сўм компенсация тадбиркор ҳисобига ундирилади!

Худди шундай! Тошкент туманлараро иқтисодий суди навбатдаги суд мажлисларида ана шундай мазмундаги қарор қабул қилди: **"Жавобгар – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан даъвогар "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖ ҳисобига 2 759 055 981 *(икки миллиард етти юз эллик тўққиз миллион эллик беш минг тўққиз юз саксон бир минг)* сўм компенсация тўлови ундирилсин".**

Хўш, бунга нима сабаб бўлган эди? Гап шундаки, тадбиркорларга яратилган имкониятлардан руҳланган "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖ яхши ниятлар билан 2015 йил бошида "Simet Sir Biznes" МЧЖдан кўчмас мулк сотиб олади. Пойтахтимизнинг Бектемир тумани Б. Нозим кўчаси 40ª-уй манзилида жойлашган 499 квадрат метрли бино ва 503 квадрат метрдан иборат ер участкаси учун гувоҳнома тақдим этилгач, давлат рўйхатидан ўтказилиб, шу асосда кадастр рақами ҳам берилади. Демак, энди ишлаш керак! Ишбилармон учун вақт бу пул дегани, акс ҳолда, енгилиш турган гап. Ана шу ақидага амал қилган ҳолда корхонага 300 минг АҚШ долларига тенг инвестиция жалб қилинади. Ва яна бир қанча лойиҳалар бошлаб юборилади.

Фаолият айни авжига чиққан, лойиҳалар ўз мевасини бера бошлаган пайт, яъни 2018 йилнинг 11 июлида Тошкент шаҳар ҳокими имзолаган фармойиш ушбу корхона ва у каби ҳудудларда жойлашган субъектлар раҳбарларини гангитиб қўйди. "Тошкент шаҳридаги Чирчиқ дарёси канал ва коллекторларнинг қирғоқ бўйи минтақаларидаги ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ҳамда каналларга туташ бўлган ҳудудларни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги мазкур фармойишга кўра, "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖга тегишли бўлган, зикр этилган манзилда жойлашган 499 квадрат метрли бино-иншоотлари ободонлаштириш ва бузилиш ҳудудига тушади!

Ҳудуд бузилишга тушса... қонунчилик нима дейди?

Наримон ҲАМИДОВ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси, айни суд мажлисига раислик қилувчи:

– Амалдаги қонунларимизга асосан давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга бевосита қаратилмаган, шу жумладан, мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қимматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда тўланади *(Фуқаролик кодексининг 206-моддаси 1-қисми)*. Шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга зарарларнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланишига қадар йўл қўйилмайди *(айни модданинг 3-қисми)*.


Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа бино ва иншоотлар, довдарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги низомининг 26-банди)*.

Хусусий мулк бўлган мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан, ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек, бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади *("Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддаси)*.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, мулкдорга қарашли уй, бошқа иморат ва иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади. Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморат ва иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди *(ушбу қонуннинг 19-моддаси)*.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир *(Фуқаролик кодексининг 164-моддаси)*.

Юқоридаги бир қатор қонун талабларидан кўриниб турибдики, юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилиши ёхуд компенсация



тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейингина бузилиши мумкин. Ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланиши, олиб қўйилаётган ер участкасидаги иморатларни ва иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шуларга қарамай, **"Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖга Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳеч қандай компенсация берилмаган, компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати мулк эгаси билан келишилмаган!**

Шу боис "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖ манфаатида даъвогар – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат этди. Мурожаатда жавобгар – Тошкент шаҳар ҳокимлигидан "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖга 2 759 055 981 сўм компенсация тўловини ундиришни сўради.

Суднинг ажрими билан ишга Муниципал активлар маркази, Тошкент шаҳар мулия бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Бектемир туман ҳокимияти низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинди.

Айтиш жоизки, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 27 августдаги ҳал қилув қарорига асосан Бектемир канал қирғоқ бўйи ҳимоя зонасида жойлашгани сабабли жамиятга тегишли 322 квадрат метр ва 177 квадрат метрдан иборат омборхоналарни бузиш кўрсатилган. "Valuation Expert Group" МЧЖнинг ҳисоботида ҳамда ушбу ҳисоботнинг ҳаққонийлигини аниқлаш бўйича "Fargona Fayz Ekspertiza" МЧЖ ўтказган экспертиза хулосасига кўра бино иншоотларнинг бозор қиймати 2 271 632 693 сўм ва 482 123 288 сўм этиб белгиланганини баён қилиб, жавобгардан "Universal Plast Montaj Enginering" МЧЖ фойдасига жами 2 759 055 981 сўм компенсация тўловини ундириб беришни сўради.

Жавобгар эътирозини суд қабул қилмади

Жавобгар вакили аризага эътироз билдириб, комиссия томонидан баҳолаш ишлари олиб борилмагани, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан компенсация тўлаб бўлмаслигини маълум қилиб, даъвони рад этишни сўради.

Бунга жавобан, учинчи шахс сифатида жалб қилинган Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва прокурор эса даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни билдирди.

– Ишда иштирок этувчиларнинг тушунтиришлари, прокурор фикри, важларни тинглаб, иш ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиб ва юқорида зикр этилган қонунларга суянган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш бизнинг вазифамиздир, – **дейди Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Наримон Ҳамидов.** – Ана шуларга асосан даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топдик. Бундан ташқари, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини низо келиб чиқишига сабабчи бўлгани боис суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига – 55 181 119,62 *(эллик беш миллион бир юз саксон бир минг бир юз ўн тўққиз сўм олтмиш икки тийин)* сўм давлат божи ҳамда Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳисобига эса 16 218 сўм почта харажати ҳам жавобгар ҳисобидан қопланади.

Қарор ижросини кутамиз

Гувоҳи бўлдингизки, мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланган ва бунда судларимизнинг ўрни алоҳида. Улар ишбилармон, мулкдорларнинг чинакам таянчи ва ҳимоячисига айланиб бормоқда.

Аммо олдинда яна бир масала турибди: адолатли қарорнинг ижроси! Ана шундагина ҳуқуқ тўла таъминланган бўлади, ана шундагина корхона келгуси режаларини рўёбга чиқара бошлайди. Ахир, сармоясиз сояни ҳам сотиб олиб бўлмайди-ку!

Келгуси сонларимизда масаланинг ана шу жиҳати – айни суд қарорининг ижросини таъминлашга масъул идоралар томонидан олиб борилаётган ҳаракатлар, натижаларга эътибор қаратамиз. Зеро, ҳақиқат чала бўлмайди!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

Ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштирилади



Ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш зарурлиги ҳақида эшитдим, бу шартми? Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз?

Н. ЭГАМОВА
Учтепа тумани

Ҳа, шарт. 2020 йил 31 декабрга қадар эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштирилиши керак.

Эски намунадаги гувоҳнома берилган санасидан ва амал қилиш муддатидан қатъи назар, кўрсатилган муддатгача янгисига алмаштирилиши шарт. Бунинг учун фуқаролик паспорти, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талони талаб этилади. Ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун доимий яшаш жойидаги Давлат хизматлари марказлари ёки марказда бундай хизмат мавжуд бўлмаган ҳудудларда ЙҲХБнинг тегишли бўлинмаларига мурожаат этилади. Ундириладиган тўлов – базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи (ҳозирда 156 100 сўм) миқдорида.

Янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси 10 йил муддатга берилади.

Эслатиб ўтамиз, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари 2021 йил 1 январгача ҳақиқий ҳисобланади. Агар гувоҳнома белгиланган муддатда алмаштирилмаса, эски гувоҳнома билан автотранспорт воситасини бошқарган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилади. Янги намунадаги гувоҳномага эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилган.

“Энди ўқимаса, уят бўлади”



Бу гапни Китоб туманидаги 74-умумтаълим мактабида қўшимча 360 ўринли янги бинонинг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда сўз олган Макрид қишлоғида яшовчи отахонлардан бири айтди. “Эҳ, болаларим, биз ўқиган даврларни айтиб берсак, бу чол эртак тўқияпти, деб ўйлайсизлар. Лекин рост.

Ишонасизларми, ўтган асрнинг 60-70-йилларида бу жойлар чўл эди, биёбон эди, битта мактаб бўларди, Фурқат бобомизнинг номида. Ишонасизми, атрофдаги қишлоқлардан шу ёққа болалар 5-10 чақиримлаб ердан пойи пиёда қатнарди. Бугун-чи, уйимизнинг остонасида мактаб, яна денг, ҳамма шароит бор, энг муҳими, муаллимлар зўр, маза қилиб ўқимайсизларми? Кимки шундай фаровон замонда яхши ўқимаса, энди уят бўлади!"

Дарвоқе, тумандаги бир қатор ибратли ишларга бош-қош бўлаётган Санжар Ғаниев раҳбарлик қилаётган "Воҳа машъали" масъулияти чекланган жамиятининг фидойи қурувчилари олти ой ичида жами 3 млрд. 58 млн. сўмлик иш бажариб, ана шу икки қаватли муҳташам бинони қуриб беришди. Айни пайтда ушбу илм масканида мингга яқин ўқувчи таҳсил олаётир.

– Эътиборли жиҳати, аввалари кўп ота-оналар фарзандларини туман марказидаги мактабларда ўқишларини исташар, ҳатто шунча йўл босиб репетиторга қатнаган болаларнинг олий ўқув юртларига кириши кам фоизни ташкил қиларди, аксинча, кейинги икки-уч йил ичида бу масканда ўқиган ёшлардан кўпчилиги нуфузли олий даргоҳлар талабаси бўлишди, – дейди мактаб директори Абдулла Қурбонов.

Севара РУСТАМОВА,
ўқитувчи



Реклама ҳуқуқида

Фарғонада шундай боғчаю мактаблар бор...

Мамлакатимизда инвестиция сиёсати тубдан такомиллаштирилиб ислоҳ қилинмоқда. Уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларнинг жорий этилиши баробарида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириляпти.



Уларнинг барчаси аввалambor, иқтисодиёт тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни, саноат ишлаб чиқаришни комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, мазкур саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг оширилишини таъминламоқда.

Бундай эътибордан қувониклар ҳам бахраманд бўлишмоқда. “Деҳқонбоғ” маҳалласида қуриб фойдаланишга топширилган, замонавий 25-мактабгача таълим ташкилоти нафақат болажонларни, балки ота-оналарни ҳам қувонтирди. Ахир, шинам, янги боғчада фарзанди камол топишини, ўйнаб-кулишини ким ҳам истамайди дейсиз?! Аввал кичкинтойлар 1970 йилда қурилган бинода тарбияланишарди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қурилган 2 миллиард 600 миллион сўм қийматдаги янги масканни барпо этишда “Ирода” хусусий корхонаси қурувчилари тер тўкишди. Қувонарлиси, бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмаси биноси реконструкция қилинмоқда. Туманнинг “Булварик” маҳалласидаги оилавий поликлиникада ҳам 1 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш ишларини “Бунёдкор қурилиш савдо файз” хусусий корхонаси бунёдкорлари сифатли бажаришди.

Вилоятда “Обод қишлоқ” Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Риштон туманидаги “Бешкапа”, “Янгиобод” маҳаллаларидаги 8 ва 12-мактабгача таълим ташкилотлари мукаммал таъмирланди. “Осиё люкс таъмир” масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қурувчилари беминнат хизмат қилишди. Шунингдек, “Жалаер” маҳалласидаги 54-мактабни ҳам ана шу жамият аъзолари капитал таъмирлади.

Данғара туманидаги “Чинобод” маҳалласида жойлашган 38-мактаб ҳам давлат дастури асосида капитал таъмирланиб, чиройли кўринишга эга бўлди.

– 35 йил аввал қурилган илм масканимиз ҳақиқатан ҳам жуда таъмирталаб аҳволда эди. Ниҳоят, 605 миллион сўм қийматидаги ишлар қилингач, замонавий қиёфага кирди, – дейди мактаб директори Улуғбек Аҳмедов. – Абдурашид Сирожиддинов бошчилигидаги “Шуҳратжон” хусусий корхонасининг азамат бинокорлари даргоҳимизга бор меҳрини бериб ишлашди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича” инжиниринг компанияси болажонларимиз учун бир-биридан шинам ва бетакрор муассасаларни қуриб туҳфа этмоқда.



Болажонларга ажойиб туҳфа

Компаниянинг Самарқанд вилояти бўлими ҳам бу борада етакчилик қилмоқда. Бўлим буюртмасига кўра жорий йилда кўплаб шундай иморатлар барпо этилди. Хусусан, Пайариқ туманининг “Навбаҳор” маҳалласидаги 24-мактабгача таълим ташкилоти аввалари таъмирталаб, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ҳозир кўрсангиз, бутунлай янгича қиёфа касб этган. 100 ўринли ушбу боғчани моҳир қурувчи Бегзод Қулбулдиев бошчилигидаги “У. Ш. Сабина” масъулияти чекланган жамияти жамоаси бунёд этди. Кенг, ёруғ хоналар, айвончалар, замонавий ошхона ва ўйинғоҳлар эътиборни тортади. 21-мактабгача таълим ташкилотини ҳам “Қудрат МФЙ” хусусий корхонаси қурувчилари қайта қуриб топширди.

Бундан ташқари, туманда инвестиция дастури асосида “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртманомасига асосан 83-мактаб ҳам тўла реконструкция қилинди. “Обод қишлоқ” дастурига биноан “Турки бола” маҳалласида янги мактаб ва 34-мактабгача таълим маскани барпо этилмоқда. Фақатгина дастур бўйича молиялаштириш масаласи кечиктирилаётгани боис қурилиш ва монтаж ишлари ҳам бироз сустлашган. Ўйлаймизки, бу масалалар яқин орада ўз ечимини топиб, ишбошиларнинг юзи ёруғ бўлади.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Уйлар муддатидан олдин топширияпти

Уй-жой инсоннинг энг катта эҳтиёжларидан бирламчисидир. Уни таъминламасдан туриб кўнгил хотиржам тортмайди, турмушда ҳаловат бўлмайди. Юртдошларимизни арзон тураржойлар билан таъминлашга эътиборнинг кучайтирилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.



Президентимизнинг 2017 йил 23 октябрдаги “2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам айни шу мақсадда имзоланган эди. **“Ўзшаҳарқурилишинвест” инжиниринг компанияси мазкур қарор ижросини таъминлашга астойдил хизмат қилаётган ташкилотлардан. Унинг буюртмасига биноан жорий йилда Қарши шаҳрида оз эмас, кўп эмас, 14 та кўп қаватли уй бунёд этилди!**

Бош пудратчилар “Қурилиш сервис” ва “Насаф нефтгазқурилиштаъмир” масъулияти чекланган жамиятларининг 400 дан ортиқ заҳматкаш қурувчилари жамоаси эртаю кеч тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан “Қарши” маҳалласида 3 та, “Чўлқувар”да 7 та, “Ойдин”да 4 та иморат қад кўтариб, ўз эгаларига тантанали равишда топширилмоқда. Намунали лойиҳа асосида бунёд этилган етти қаватдан иборат мазкур уйларнинг ҳар бири 42 та хонадонни ўз ичига олади.

Моҳир бинокор **Акмал Жўраев бошчилигидаги “Қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамият**нинг қурувчилари ҳар бири 10 миллиард 400 миллион сўмлик 9 та кўп қаватли уйни муддатидан олдин фойдаланишга топширишга муваффақ бўлди. Тураржой архитектура меъёрларига тўлиқ амал қилган ҳолда битказилган, хоналар ёзда салқин, қишда иссиқликни сақлаши учун энергия тежовчи маҳсулотлардан фойдаланилди.

– Бу, ўз навбатида, хонадон нархи арзон бўлишига сабаб бўлади, – дейди қурилиш лойиҳалари техник назоратчиси Зафар Раҳматуллаев. – Шунингдек, замонавий лифт, иситиш мосламаси, домофон, ошхона жиҳозлари ҳамда газ плитаси ўрнатилиб, яшаш учун барча қулайликлар яратилди. Инсоннинг кайфияти ўзи яшаб турган муҳитга боғлиқлигини унутмаган ҳолда болалар майдончаси ва атрофни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратдик.

Ю. ЮСУПОВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон ва дунё

Қачон китобсевар халққа айланамиз?

...Сентябрнинг иккинчи ўн кунлиги эндигина бошланган, ўзбек заминига кузак ташрифидан дарак бериб онда-сонда ёмғир томчилаган кезлар Россиянинг Новосибирск ўлкасида ростмана куз ҳавоси ҳукмрон эди. Учоқдан тушганимизда шиғалаб, бир маромда ёғиб турган ёмғир шу кўйи икки кечаю икки кундуз тинмади. Новосибирск шаҳрида анъанавий бешинчи маротаба ўтказилаётган "Книжная Сибирь" халқаро фестивалида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан қатнашиб, уч кун давомида 130 дан ортиқ тадбирни қамраб олган анжуманнинг бевосита иштирокчисига айландим.



Фестивалнинг биринчи куни мен илк танишган, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташриф буюрган уч нафар қатнашчи "Звезда Востока" ва "Шарқ юлдузи" номини эшитиб, "О, биз бу журналларни яхши биламиз, уларни бемалол афсонавий нашрлар дейиш мумкин!" деб худди эски қадрдонлардек сўрашишди. Бу эътирофдан кўнглим жуда ўсди. Шу кайфият сафарим сўнгигача мени тарк этмади.

Фестиваль давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг *"Эртанги кунини ўйлаган, фарзандларини чин маънода комил инсонлар этиб тарбиялашни мақсад қилган ҳар қандай жамият, аввало, уларнинг қўлига китоб беради, уларни китобга ошно қилади"*, деган пурмаъно сўзлари давлат, миллат ва ҳудуд танламаслигини, бугун бу масала дунё миқёсида глобал аҳамият касб этиб, барча эзгу ниятли кишилар унга оқилона ечим излаётганининг гувоҳи бўлдим. "Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида Ўзбекистон тажрибаси" деб номланган маърузамда давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашгани, юзма-юз мулоқотда маданият ва санъат ривожи, халқимиз маънавий ҳаётини янада юксалтириш мақсадида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига тўхталдим. Айниқса, ўтган вақт ичида соҳага дахлдор бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ сўз усталари, беназир санъаткорлар номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар қабул қилингани, ижодкор зиёлиларнинг бугунги кунда жамият ҳаёти, ислоҳотлар жараёнидаги ўрни хусусида сўзлаб бердим. Асосийси, мамлакатимизда ёшларни китоб мутолаасига кенг жалб қилиш борасида турли тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилгани, ғолибларга мукофот тариқасида қимматбаҳо совғалар, ҳатто енгил автомобиллар берилаётгани ҳақидаги ахборотим йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари ўтказилиши ва устозлар эътирофига сазовор бўлган ёшларнинг асарлари "Ижод" фонди кўмагида "Биринчи китобим" рукни билан ўн минг нусхада нашр этилаётгани ҳам яхши янгилик сифатида қабул қилинди.

Анжуман доирасида амалга оширилган ишларни катта қизиқиш билан кузатиб, тегишли соҳада биз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатларни ҳам назардан қочирмасликка ҳаракат қилдим. Россияда китобхонларнинг 60 фоизи фаол ўқувчи ҳисобланаркан. Айни пайтда китоб ўқийдиган аҳолининг 74 фоизи бевосита кутубхоналарга мурожаат қилар экан. Сабаби аён: бугун китобнинг, газета-журналнинг нархи ҳамма жойда ҳам баланд. Лекин мутолаа завқини чин дилдан ҳис этган инсон бу ёқимли машғулотдан ҳеч қачон ўзини тийиб туролмайди. Шу боис мамлакатдаги ҳар бир кутубхона, улар қирқ минг атрофида экан, барча янги нашрларни вақтида олиб, ўз ўқувчиларига мунтазам тақдим этиб келмоқда. Мутасаддилар бу борадаги ҳамкорлиги учун Россия Фан ва таълим вазирлигига алоҳида миннатдорлик билдиришди. Демак, таълим муассасаларидаги кутубхоналар сўнгги нашрлар ҳисобига тезкор янгиланиб боради. Бу бизнинг ҳам тегишли соҳа вазирликлари ибрат олса арзийдиган ҳолат деб ўйлайман. Чунки ***ўтган йили обуна мавсумида миллий матбуотимиз майдонида маънавий устунларимиз хўлу қуруқ баробар ёнди. Албатта, таълим тизимини мажбурий обунадан ҳимоя қилиш ўзига хос жасорат. Бирок келажагимиз эгаларининг тақдири, онгу тафаккури учун масъул устоз-мураббийларни зарур адабиётлар билан таъминлаш, керак бўлса, уларга бу борада жўяли тавсиялар бериш ҳам ана шу олийжаноб ваколат доирасида эди. Афсуски, танганинг иккинчи томони эсдан чиқиб қолди. Оқибатда соҳа ходимлари ҳимоя қилинмади, балки ахборот олиш манбалари қатъий чекланди!..***

Яна мавзуга қайтсак. Муҳташам бинонинг биринчи қавати тўлалигича болалар кутубхонаси ихтиёрига берилган экан. Бу ерда деярли ҳар куни ҳаёт қайнайди. Фидойилар болаларни ўқишга, мутолаага жалб қиладиган қизиқарли тадбирлар устида бош қотиришади. Натижа кутилганидан зиёда бўляпти. Мактаб ва лицей раҳбарияти қатъий тасдиқлаган кўркам либосларни кийиб олган ёшларнинг тадбирларда кўп ва хўб иштироки шундай некбин таассурот уйғотди. Китобхонлик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар масъул ходимлари "кунда-шунда" экан. "Шунда" деганда кутубхоналарни назарда тутяпмиз. Фестиваль доирасида ўтган қатор тақдимотлар орасида бизга "Китобхон она – китобхон мамлакат" номинацияси ғолибларини тақдирлаш тантаналари жуда маъқул бўлди. Ёш оналар китобга чексиз муҳаббатларини намоён этиб, бу билан фарзандлари қалбида ҳам ажиб қизиқиш уйғотишмоқда.

Табиийки, ижодкор сифатида кўргазмада қатнашаётган ноширлар билан суҳбатлашишга, соҳадаги янгиликлардан, келгуси режаларидан хабардор бўлишга ҳаракат қилдик. Ажабланарли жиҳати, китоб, газета-журнал – босма адабиёт ўлади, деб бизда аюҳаннос солинаётган бир даврда улар эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар ақлни шоширади. Мисол тариқасида Германия китоб савдоси тизимини айтиш мумкин. Уюшма ўз аъзоларига – китоб дўкондорларига янги нашрлар ҳақида маълумот етказади. Сўнгра улардан олинган таклифлар асосида нашриётларга муайян ададда буюртма беради ва дарҳол тегишли маблағни ўтказади. Нашриёт эгалари китоб сотиш билан боғлиқ бошоғриқни ҳис этмайди, келишув бўйича муаллифларга қалам ҳақини тўлайди. Бошқа мамлакатлардан келганлар ҳам ютуқ ва камчиликлари билан ўртоқлашишди. Мени кўпроқ бу ноширларнинг саводхонлиги, адабиётни манаман деган адабиётшунос ёки ёзувчи, шоирдан кўпроқ билиши қойил қолдирди. Хаёл яна маҳаллий ноширларимиз томонга олиб қочади. Таассуфки, бизнинг аксарият ноширларимиз ўз тамғаси остида чиқаётган китобларнинг савияси тугул, мазмун-моҳиятидан ҳам бехабар. Муаллиф пулни тўласа бўлди, асар босмахонага тушиб кетаверади. Бундай муносабат охир-оқибат китоб савдосига таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Демак, ноширлар савиясини кўтариш, ўз навбатида, китобхонлик ривожига хизмат қилади.

"Бирор юртни яхшироқ билишни истасанг, бозори билан мозорини кўр", деган гап бор. Биз бу маслаҳатга замонавий давр нуқтаи назаридан ёндашдик. Россиянинг асосий таълим ва тадқиқот марказларидан бири ҳисобланган Новосибирск академиклар шаҳарчасига саёҳат уюштирдик. Обь дарёсининг ўнг қирғоғида, шаҳардан йигирма чақирим нарида жойлашган шаҳарчада ўнга яқин илмий-тадқиқот институти, Россия фанлар академиясининг Сибирь бўлими президиуми, Новосибирск давлат университети, физика ва математикага ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатяпти. Кўргазма майдони 2665 квадрат метрни ташкил этадиган Ўлкашунослик музейида 147 минг асосий ва 71 минг турли-туман экспонатлар жой олган. Қадим Сибирь халқларининг тарихидан, ўзига хос турмуш шарт-шароитидан дарак берувчи ноёб тарихий ашёлар менга ўзимизнинг олис ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилаётгандек туюлди. Бу бежиз эмас экан. Аксарият экспонатлар қадим турк халқлари давлатчилиги, ўша давр жанговар ҳаракатлари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилишга кўмак берадиган қурол-аслаҳа ва турфа ашёлардан иборат эди. Шунданми, бу кўҳна заминга нисбатан кўнглимда бир яқинлик туйдим.

Дарҳақиқат, қадим, айни пайтда навқирон бу ўлкада 180 га яқин миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаётганининг ўзи ҳам таҳсинга сазовор. Новосибирск шаҳар байналмилал марказида бўлганимизда, турғун яшаб турган ўзбеклар сони вилоятда 12 мингдан зиёдлигини, яъни умумий аҳоли сонига нисбатан бешинчи ўринда туришини, шаҳарда эса бу кўрсаткич янаям юқори – учинчи ўринни ташкил этишини билиб олдик. Табиийки, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, фан, таълим, бунёдкорлик ва бошқа соҳалар бўйича ривожида миллатдошларимизнинг сезиларли ўрни бор. Шу маънода асли қўқонлик, бугунги кунда **"Россиянинг фахрли одамлари энциклопедияси" медали соҳиби, иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия гуманитар фанлар академияси, Фан ва амалиётни ишлаб чиқаришга жорий этиш халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси Қаҳрамон Жўрабоев** каби меҳнат фахрийлари ва уларнинг издошлари билан ҳар қанча мақтансак арзийди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги фармони меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, – дейди биз билан суҳбатда **Новосибирск ҳудудий жамоат ташкилотининг Ўзбек-рус миллий-маданий маркази раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Гулнора Жўрабоева.** – Кейинги статистика маълумотларига қараганда, Новосибирск ўлкасида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг сони бир юз йигирма минг атрофида. Бу жуда катта рақам. Унинг ортида шунча инсон тақдири турибди. Очиғи, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик, бошланғич молиявий ва моддий кўмакнинг йўқлиги, қолаверса, уларни фирибгарлик хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қиладиган тизим фаолияти йўлга қўйилмагани боис муаммолар анчагина йиғилиб қолган.

– Мақтанчоқликка йўйманг-у, бизнинг нодавлат ташкилотимизга ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари қатори маҳаллий ҳокимият ва бошқа тузилмалар вакиллари ҳам тез-тез маслаҳат сўраб мурожаат қилишади, – деб суҳбатга қўшилади **марказ раҳбарининг ўринбосари Улуғбек Маниязов**. – Ташкилотимиз амалий ишлари билан анча танилиб қолган. Биз асосан бу ердаги ватандошларимизнинг оғирини енгил қилишга, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Лекин расмий идора ваколати йўқлиги боис кўп масалаларда қийналамиз. Шунга Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик жуда зарур. Китоб фестивалида сизларнинг иштирокингиз ҳақидаям тасодифан эшитдик. Шаҳар маъмуриятидан айтиб қолишди. Биргаликда ҳал этиладиган муаммолар жуда кўп. Биттасига тўхталсам. Шаҳарда Хилок деҳқон бозори бор. Деярли ҳамма маҳсулот серқуёш Ўзбекистондан келтирилади ва сотувчилар ҳам ўзбеклар. Бироқ бозор эгалиги бошқаларнинг қўлида. Албатта, савдода ҳалол муносабат бўлса, бу ҳолат ҳеч кимни ташвишлантирмасди. Афсуски, содда, ишонувчан ватандошларимиз бу ерда кўпинча турли ғирромликларга дуч келишади. Ҳозир Ўзбекистонда тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётганидан, ишбилармонларимиз хорижда ҳам муваффақият билан бизнес юритаётганидан хабаримиз бор. Агар бугунги талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, Россиянинг марказий шаҳарларида ўз бозорларимиз фаолиятини йўлга қўйсак, бундан ҳамма ютган бўларди.

Тунов куни телеграмм манзилимга олис ва яқин Новосибирскдан хат келибди. Шаҳар Ўзбек-рус маданий маркази раҳбаридан экан. "Ўзбекистондан масъул вакиллар бизга келишибди. Улар қаерларда бўлишар экан, хизмат бўлмаса, шуни билиб берсангиз?" деб илтимос қилибди Гулнора Жўрабоева. Қарасам, хат жўнатилганига икки кун бўлибди. Демак, узоқ бир мамлакатда ватандошлар манфаатини беминнат ҳимоя қилиб юрган фидойилар фаолияти учун жудаям муҳим бўлган яна бир учрашувдан четда қолишган. Шу лаҳза хаёлимдан О'zLiDeP ташаббуси билан ишлаб чиқилган, номи сал аввал зикр этилган фармонга биноан Вазирлар Маҳкамаси тизимида Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилгани айни муддао бўлган экан, деган фикр ўтди. Бу ташкилот хориждаги ватандошларимиз дарду ҳасратига даво, кувончу шодлигига шерик бўлади, деб ният қилдим.

Сирожиддин РАУФ,
"Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока", журналлари бош муҳаррири

Реклама ҳуқуқида

Тадбиркорга мададкормиз

Қарор ва ижро

Тадбиркорга кўмак – қувват дегани. Жазирамада пешона терини тўкиб, ер чопаётган деҳқонга биргина "ҳорманг" дейиш билан бутун чарчоғи аришига ҳисса қўшилганидек, ўзини ўтга-чўққа уриб, ризқини бутун қилишга интилаётган ишбилармону фермерга эркин фаолият юритиш имконини яратиш ҳам шундай роҳатлидир. Ахир, кундалик эҳтиёжларимиз, дастурхонимиз тўкинлиги ва рўзғоримиз бутлигида уларнинг ҳиссаси катта.

Айтиш жоизки, соҳага зарур ҳуқуқий асоснинг яратилгани ва янада такомиллаштирилаётгани тадбиркорларга ҳақиқий мадад бўлмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Унга биноан эндиликда Халқаро лабораторияларини аккредитация қилиш – ILAC ва халқаро аккредитация қилиш форуми – IAFнинг тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш идоралари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, тадбиркорлик субъектлари *(устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган)* ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хомашё, материал ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинди!

Шунингдек, мазкур қарор билан 2019 йил 1 январдан бошлаб мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган, четдан олиб кириладиган истеъмол товарлари рўйхати ҳам белгиланди. Рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган истеъмол товарларини мажбурий сертификатлаш фақат "Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази янгидан аккредитация қилган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади. Мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланади. Идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари сертификатларни беришда асос қилиб олинади.

– Маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш билан боғлиқ масалаларда тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериб келяпмиз, **– дейди "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси директори Абдураҳмон Мухторов.** – Шу йилнинг айни даврига келиб тушган мурожаатларга асосан 321 та мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Бундай имконияту имтиёздан фойдаланган импортёр корхоналаримиз – "Zaher Taher trading", "Komilov Shuhrat Udosovich", "Bagot agro impex", "Marjon Durdona Servis", "Buhara fresh fruit", "Meganut food dried fruits import eksport" ва "Fino de aroma" масъулияти чекланган жамиятлари озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, маиший электр жиҳозларини хориждан келтиришга эришди. "Global mega tekstil" масъулияти чекланган жамияти синов ускуналарини, "PM development", "Риску Тожир" масъулияти чекланган жамиятлари эса иситиш ускуналарини, "Бухоро НҚИЗ" ўлчаш воситаларини имтиёзли асосда чет элдан келтирди.

"Экспортни рағбатлантириш" агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун "Jamshid Javohir Agrotexservis", "Jondor qurilish invest", "Agro trade", "Property industry", "Buxara grand agro" МЧЖлари, "O'ktam Bo'ston saxovati", "Dostonbek Dilshodbek zamini", "G'olib – Shirin", "Jo'shqin zamin kelajagi" хусусий корхоналарига "Global G.A.P" халқаро стандарти жорий қилиниши дастурга киритилди. Ҳозирда барча ҳужжатларни умумлаштириб, "Экспортни рағбатлантириш" агентлигига тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, марказимиз маҳсулотларнинг яроқли ёки акси эканини жиддий назоратга олади. Чунки ҳар бир маҳсулот ортида инсон саломатлиги ётади. Назоратимиз маҳсули ўлароқ Россиядан импорт қилинган ёғлар бўйича – 2 та ҳолатда, Қозоғистондан импорт қилинган ун бўйича – 2 та ҳолатда, жами 4 миллиард 739 миллион 814 минг 370 сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилди.

Давлатимиз раҳбари қарорининг 3-бандига биноан сифат менежменти тизимларини жорий этган ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялардан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектларига улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳуқуқи берилиши қайд этилган. Мазкур талаб ижросини бажариш мақсадида декларация йўли билан 19 та корхонага мувофиқлик сертификати – 7 та енгил саноат, 10 та қурилиш, 1 тадан мебель ва спорт анжомлари маҳсулотларига расмийлаштирилди. Бугунги кунда жами 40 та регламент қабул қилинган бўлиб, 31 таси умумий ва 9 таси махсус техник регламентлардир. Сертификатлаштириш идораси томонидан эса 22 та умумий ва 3 та махсус техник регламент бўйича ваколат доираси кенгайтирилди. Бундан ташқари 78 та – давлат объектларига келган ускуналарга, 359 та – давлат улуши бўлмаган корхоналарга сертификатлаштириш ишлари расмийлаштирилди. Вилоятда "HALAL" халқаро стандарти бўйича ҳам жиддий ишлар амалга оширилаётир. "Shahriston" ва "Emir's garden" меҳмонхоналарига жорий қилиш учун шартнома имзоладик, ҳозирда биринчи босқич ишлари бошлаб юборилди. Қолган меҳмонхоналарга ҳам тегишли тарғибот ва ташвиқот олиб борилмоқда.



"XXI asr" мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XXI asr
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда **0009**-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 1058** Тираж: **7573**
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – **22:00**
Топширилди – **23:50**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456
Навбатчи муҳаррирлар: Озод РАЖАБОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.